

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**“КАСБ ТАЪЛИМИ” ФАКУЛЬТЕТИ**

**“МЕНЕЖМЕНТ ВА ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ**

**2-МЖ-08 гуруҳ талабаси  
Салахиддинова Наргиза Химайиддиновна**

## **БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Мавзу: Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва  
хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришни  
такомиллаштириш истиқболлари  
(Наманган вилояти мисолида)**

Илмий раҳбар:

доц. О.Арипов

Наманган-2012

## Аннотация

Салахиддинова Наргиза Химайиддиновнанинг “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштириш истиқболлари (Наманган вилояти мисолида)” мавзусидаги битирув малакавий ишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳозирги даврга мос молиялаштириш ва уни такомиллаштириш масалалар ёритилган Битирув малакавий иш кириш учта боб, хулоса, ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмларидан иборат.

Биринчи боб «Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг илмий асослари» деб номланди. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг назарий асослари ифода этилди. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда молия-кредит тизимининг аҳамияти назарий жиҳатдан ёритилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий фаолиятига кредит уюшмалари ва халқаро кредит ташкилотларининг таъсири тўғрисида мулоҳазалар юритилди.

Иккинчи боб «Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг амалий ҳолати ва ҳудудий муаммолар» деб аталди. Бу бобда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришдаги ҳудудий амалий жараёнлар таҳлил этилди. Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши ҳамда молиялаштириш амалиёти тадқиқ этилди. Шунингдек, Наманган вилоятида бизнес сектор фаолиятини молиялаштиришда юзага келган ҳудудий муаммолар ўрганилиб аниқланди.

Учинчи боб «Иқтисодиётни модернизациялаш шароитларида кичик тадбиркорликни молиялаштиришни янада такомиллаштириш йўналишлари» деб юритилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий таъминлашда давлат сиёсатининг ўрни тўғрисида мулоҳазалар юритилди. Шу билан бирга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришда банк тизимидаги ислохотларни кенгайтириш йўналишлари ҳамда кредит институтлари орқали кредит тизимини бошқариш ва фаолиятини кенгайтириш истиқболлари тўғрисида ишланмалар яратилди.

Ушбу мавзуга оид фикрлар умумлаштирилиб, хулоса ва таклифлар қисмида аниқлаштирилган тадқиқот натижалари асосида тавсиялар ишлаб чиқилган.

## МУНДАРИЖА

Кириш	3
<b>1-боб: Иқтисодийни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг илмий асослари</b>	<b>6</b>
1.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг назарий асослари	6
1.2. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда молия-кредит тизимининг аҳамияти	9
1.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий фаолиятига кредит уюшмалари ва халқаро кредит ташкилотларининг таъсири	13
<b>2-боб: Иқтисодийни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг амалий ҳолати ва ҳудудий муаммолар</b>	<b>17</b>
2.1. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришдаги ҳудудий амалий жараёнлар	17
2.2. Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши ҳамда молиялаштириш амалиёти	20
2.3. Наманган вилоятида бизнес сектор фаолиятини молиялаштиришда юзага келган ҳудудий муаммолар	26
<b>3-боб: Иқтисодийни модернизациялаш шароитларида кичик тадбиркорликни молиялаштиришни янада такомиллаштириш йўналишлари</b>	<b>31</b>
3.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий таъминлашда давлат сиёсатининг ўрни	31
3.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришда банк тизимидаги ислохотларни кенгайтириш йўналишлари	34
3.3. Кредит институтлари орқали кредит тизимини бошқариш ва фаолиятини кенгайтириш истиқболлари	36
Хулоса	40
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	42

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Иқтисодий эркинлаштириш шароитида миллий иқтисодий барқарор ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти катта аҳамиятга эгадир. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар иқтисодийнинг таркибий негизи белгилаб берадиган энг муҳим соҳа бўлиб ҳисобланади, чунки улар ички бозорни товар ва хизматлар билан таъминлайди. Бундан ташқари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳолини иш билан таъминлайди, унинг даромадларини оширишга ёрдам беради. Шунинг учун бу соҳани молиялаштириш масалалари бугунги кунда муҳим вазифалардир бири бўлиб қолмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мамлакатимизда шаклланган «барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилди...»<sup>1</sup>.

«2011 йилнинг юртимизда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан банк тизимида қатор устувор вазифалар амалга оширилди. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар, шу жумладан, микрокредитлар ажратиш механизмлари такомиллаштирилди ва янада соддалаштирилди»<sup>2</sup>.

Жаҳон иқтисодийни глобаллашуви шароитида рақобат чуқурлашди. Шу шароитда айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг ҳаракатчанлиги, кам капитал маблағларини жалб қилган ҳолда ишлаб чиқаришни енгилроқ ва тез модернизация қилиш орқали ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини қисқа давр ичида янгилаб рақобатбардош маҳсулотларни истеъмолчиларга тақдим этади.

Айнан шуларни кўзда тутиб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов: «...кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ҳал этишдан иборат»<sup>3</sup> деб таъкидлади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тобора ривожланиши уларни молиялаштириш масалалари бугунги кунда устувор бўлар экан, мамлакатимизда ушбу соҳага маблағларни жалб қилишни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши бўйича Президент Фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, бу соҳада ижобий ўзгаришларга эришилди. Лекин, шуни таъкидлаш лозимки, ҳали бу соҳада уни молиялаштириш борасида бир қатор ечимини кутаётган илмий-назарий, услубий ва амалий муаммолар ҳам борки, улар бу соҳада олиб борилаётган илмий – тадқиқот ишларини кенгайтиришни талаб этади. Айнан ушбу омиллар мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий таъминлаш ва иқтисодий ривожланишининг фундаментал асослари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарларида ўз ифодасини

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2012. 5 бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, НМИУ, 2012.26 бет.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш - барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир”. Т.: “Ўзбекистон”.2007. -114 б.

топган. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уни молиялаштириш муаммоси хорижий, маҳаллий олим ва мутахассислар томонидан мунтазам ўрганилиб келинмоқда.

Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг назарий асослари хорижлик олимлардан Бусигин А., Дробозина Л., Дашков Л., Родионова В., Кратко И., Колесников В., Вороновский Е., Муравьев А., Набатников В., Гитман Л., Джонк М., Мертенс Н. ва бошқалар асарларида ёритилган.

Маҳаллий олимлардан Абдуллаева Ш., Ваҳобов А., Жамолов Ҳ., Иминов О., Маликов Т., Муллажонов Ф., Норқобилов С., Олимжонов О., Тоймухамедов И., Шарифхўжаев М., Эгамбердиев Э., Ҳайдаров Н., Ғуломов С., Қодиров А., Қоралиев Т., ва бошқалар асарларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш масалаларини илмий-амалий жиҳатлари, молиявий таъминлаш манбаларини топиш ва уларни баҳолаш муаммолари кенг таҳлил этилган.

Юқорида номлари зикр этилган олимларнинг илмий ишларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштирилиши, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммоларини асосий мақсад қилиб қўйилган.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик устувор йўналишлардан бири сифатида танилиб, унинг молиялаштирилишини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш юзасидан илмий ёндашувлар ишлаб чиқиш мазкур тадқиқот мақсади ва унинг доирасида кўриладиган вазифаларни белгилайди.

**Тадқиқот мақсад ва вазифалари.** Битирув малакавий ишдаги асосий мақсад, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш ҳолатини баҳолаш ва молиялаштиришни такомиллаштириш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Белгиланган мақсадга эришиш учун қуйидаги асосий вазифалар белгилаб олинди:

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг назарий асосларини ифода этиш;

– Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда молия-кредит тизимининг аҳамиятини очиб бериш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий фаолиятига кредит уюшмалари ва халқаро кредит ташкилотларининг таъсири кўламини белгилаш;

– Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришдаги ҳудудий амалий жараёнларни таҳлил этиш;

– Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши ҳамда молиялаштириш амалиётини тадқиқ этиш;

– Наманган вилоятида бизнес сектор фаолиятини молиялаштиришда юзага келган ҳудудий муаммоларни ўрганиш ва аниқлаш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий таъминлашда давлат сиёсатининг ўрнини белгилаш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришда банк тизимидаги ислохотларни кенгайтириш йўналишларини ишлаб чиқиш;

– кредит институтлари орқали кредит тизимини бошқариш ва фаолиятини кенгайтириш истиқболлари тўғрисида мулоҳазалар юритиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси танланган.

**Тадқиқот предмети** бўлиб, вилоятдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш жараёнини ўрганиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг услубий ва назарий асоси.** Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакат иқтисодий ривожланишига оид асарлари; кичик бизнес секторини молиялаштириш масалаларига доир Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари; кичик бизнес фаолиятини молиялаштиришни амалиётга жорий этиш бўйича чет эллик ҳамда маҳаллий олимларнинг илмий асарлари; республика микёсида нашр этилаётган

иқтисодий йўналишдаги журналлар ва рўзномалар ташкил этади. Ушбу тадқиқотни амалга оширишда молиявий менежмент, тузилмавий таҳлил, статистик таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

**Битирув малакавий ишни бажариш орқали қуйидаги янгиликларга эришилди**

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг назарий асослари ифода этилди;

– Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда молия-кредит тизимининг аҳамияти назарий жиҳатдан очиб берилди;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий фаолиятига кредит уюшмалари ва халқаро кредит ташкилотларининг таъсири кўлами белгиланди;

– Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришдаги ҳудудий амалий жараёнлар таҳлил этилди;

– Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши ҳамда молиялаштириш амалиёти тадқиқ этилди;

– Наманган вилоятида бизнес сектор фаолиятини молиялаштиришда юзага келган ҳудудий муаммолар ўрганилди ва аниқланди;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий таъминлашда давлат сиёсатининг ўрни белгиланди;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришда банк тизимидаги ислохотларни кенгайтириш йўналишлари ишлаб чиқилди;

– кредит институтлари орқали кредит тизимини бошқариш ва фаолиятини кенгайтириш истикболлари тўғрисида мулоҳазалар юритилди.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти:** Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришни такомиллаштириш мавзуси бўйича битирув малакавий иш доирасида бажарилган ишлардан қуйидаги ҳолларда фойдаланиш мумкин:

- вилоят миқёсидаги банк тизими фаолиятини яхшилашда;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторидаги корхоналар фаолиятини кучайтиришда;
- вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни маҳаллий бошқарувини яхшилашда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий иш кириш учта боб, хулоса, ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмларидан иборат.

Биринчи боб «Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг илмий асослари» деб номланди. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг назарий асослари ифода этилди. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда молия-кредит тизимининг аҳамияти назарий жиҳатдан ёритилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий фаолиятига кредит уюшмалари ва халқаро кредит ташкилотларининг таъсири тўғрисида мулоҳазалар юритилди.

Иккинчи боб «Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг амалий ҳолати ва ҳудудий муаммолар» деб аталди. Бу бобда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришдаги ҳудудий амалий жараёнлар таҳлил этилди. Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши ҳамда молиялаштириш амалиёти тадқиқ этилди. Шунингдек, Наманган вилоятида бизнес сектор фаолиятини молиялаштиришда юзага келган ҳудудий муаммолар ўрганилиб аниқланди.

Учинчи боб «Иқтисодиётни модернизациялаш шароитларида кичик тадбиркорликни молиялаштиришни янада такомиллаштириш йўналишлари» деб юритилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий таъминлашда давлат сиёсатининг ўрни тўғрисида мулоҳазалар юритилди. Шу билан бирга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришда банк тизимидаги ислохотларни кенгайтириш йўналишлари ҳамда кредит институтлари орқали кредит тизимини бошқариш ва фаолиятини кенгайтириш истикболлари тўғрисида ишланмалар яратилди.

Ушбу мавзуга оид фикрлар умумлаштирилиб, хулоса ва таклифлар қисмида аниқлаштирилган тадқиқот натижалари асосида тавсиялар ишлаб чиқилган.

## **1-боб: Иқтисодийни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг илмий асослари**

### **1.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг назарий асослари**


Бозор иқтисодиёти шароитида турли мулкчилик субъектлари фаолият кўрсатиб, уларнинг ичида аксарияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишади. Бу жараён эса ҳар қандай корхонанинг молиявий масалалари қай даражада ривожланганлиги билан жуда боғлиқ.

Бугунги кунда бизнесни юритиш учун энг керакли воситалардан бири бу – пул. Аммо «пулдан пул қилиш осон иш эмас. Шунинг учун аждодларимиз «пул топиш осон, лекин кни сарфлаш қийин» дейишган»<sup>1</sup>. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун молиявий манба бўлиши керак. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, кичик бизнес корхоналари ўз фаолиятлари давомида кўп миқдордаги пулни айлантирадилар. Бунда агар маблағлар кичик корхонанинг ўзидаги бирон бир манбадан тушса, улар ички, ташқаридан келиб тушса – ташқи маблағлар дейилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ички маблағларнинг мавжудлиги бозор субъектининг ликвидлигини оширади. Кичик корхона ўз товарларини сотиб, хизмат кўрсата борган сари, бунинг эвазига пул олиб, ўз харажатларини қоплашга сарфлайди. Эскириб бораётган ускуналар (иш қуроллари, машиналар, бинолар)ни янгилаш ва алмаштириш қиймати бўлмиш амортизация харажат турларидан биридир. Одатда кичик корхона ёки микрофирма амортизация маблағлари талаб этилган пайтда нақд туриши учун уларни алоҳида сақлайди.

Сарф-харажатлар қоплангандан кейин қоладиган маблағ корхонанинг даромади ҳисобланади. Гарчи мулк эгаси ёки ишбилармонлар даромадни тўлиқ олиб қўйишлари мумкин бўлса-да, улар кўп ҳолларда даромаднинг бир қисмини бўлса ҳам ишда (капитал айланмасини) қолдирадилар (1.1.1-расм).

#### **1.1.1-расм. Капитал айланиши жараёнида даромадни янада кўпайиши<sup>2</sup>**



<sup>1</sup> Мирсаидов М.С. Тадбиркорлик асослари. –Т.: Ўзбекистон. 2002. 16 бет.

<sup>2</sup> Муаллиф ишланмаси.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш масалалари тўғрисида фикр юритар эканмиз, дастлаб уларнинг турли шакллариغا оид мулоҳазаларимизни алоҳида таъкидлаб ўтиш муҳимдир. Чунки бугунги глобаллашув жараёнларида хусусий секторни молиялаштиришнинг турли шакллари кенг ривожланган бўлиб, улар турли давлатларда турлича қўлланилади.

Энг ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш шакллари асосан қуйидагича амалга оширилади.

- банклардан фойдаланиш;
- турли молиявий фондлардан фойдаланиш;
- йирик корхоналарнинг маблағларига асосланиш;
- корхонанинг ўз капиталидан унумли фойдаланиш;
- халқаро фондлар орқали молияланиш.

Бирок, ҳар қандай ҳолатда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиялаштирилиши асосан бозор муносабатлари шароитларидан келиб чиқиб амалга оширилади. Чунки молиялаштиришдан аввал бозордаги муҳит, ундаги тез ўзгаришлар, нарх ва инфляция жараёнлар таҳлил этилади.

Ривожланган мамлакатларда бизнесни молиялаштиришдаги масалалар тўғрисида гап юритилганда, мавжуд вазиятлар ва бу вазиятлардаги кутилиши мумкин бўлган воқелик бизнесмен учун янгилик эмас. Шунинг учун кичик бизнес корхонасини юритиш учун молия масалаларида сезиларли даражадаги қийинчиликлар бўлмаслиги мумкин.

Бирок Ўзбекистон шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришдаги вазиятлар ўзига хос ривожланиб борди. Мустақилликка ўтилган илк даврларда, яъни бозор муносабатларига ўтиш шароитида мулкдорлар томонидан капитал ҳаракатини тасаввур қилиш қийин бўлган. Сабаби, иқтисодий тизимнинг мавжуд қонуниятлари давлат асосидаги режалаштирилган сиёсатга бўйсундирилган эди. Шунинг учун бизнес формуласини (П-П<sup>1</sup>) тушуниб олиш учун ҳам бошланғич билим олишга тўғри келди.

Дастлабки йилларда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш жуда қийин ва оғир вазиятларни келтириб чиқарди. Чунки «...мамлакатда моддий-техник таъминоти, тартиб-интизом издан чиққан бир пайтда бу муаммоларни ечиш жуда қийин»<sup>1</sup> бўлди. Лекин давр ўтган сари Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишига ҳуқуқий замин яратилиб борилди.

Маълумки, Республика Президентининг бир қатор асарларида бозор ислохотларининг асосий негизи иқтисодиётни эркинлаштиришдан иборат эканлиги жуда тушунарли ва атрофлича қайд этилган. Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг ўрни чекланган бўлиб, эркин тадбиркорлик кенг авж олади. Давлат эса бозор механизмнинг амал қилишига шароит яратади. Иқтисодиётнинг ривожланиши кўпроқ рақобат ва нархлар тизимига асосланади. Бу хусусда Канада парламентининг собиқ аъзоси Том Хокин шундай фикр билдиради: «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг фавқуллоддаги тараққиёти фақат ғарб мамлакатлари билан чегараланиб қолмайди. Қаерда иқтисодий шароитни эркинлаштириш бўйича ҳуқуқат қарор қабул қилса, ўша ҳудудда кичик корхоналар сони бир кеча мобайнида кўпаяди»<sup>2</sup>. Демак, бозор иқтисодиётида иқтисодий хатти-ҳаракатлар эркин, мустақил бўлиши шарт. Улар бозор механизми орқали бир-бири билан боғланиб мувофиқлашади.

Иқтисодий эркинлик мулкчилик шакллари ва хўжалик юритиш усулларининг турли-туман бўлишини тақозо этади. Буни Республикада қабул қилинган барча қонунларда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқи ва иқтисодий эркинлик борасидаги мақоми белгиланганлигидан билиб олса бўлади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон. 2011. 320 бет.

<sup>2</sup> Том Хокин. Малўй бизнес в Канаде. // Ж. Деньги и кредит. №3. 1992. С. 32.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2009. 37; 38; 48; 53 ва 54-моддалар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланган сари молиялаштиришнинг шакллари ва турлари такомиллашиб борди. Аммо дастлабки даврларда молиялаштириш яқин қариндош ва танишларнинг капиталларига асосланildi. Чунки бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида унга хос инфратузилманинг йўқлиги ўзбек ишбилармонларини ўз маблағларига таяниш заруриятини келтириб чиқарди. Бу давр айниқса 1996 йилларга қадар сезиларли давом этди.

Бироқ 1996 йиллардан бошлаб миллий иқтисодиётнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари юксалиб бурилиш даври бошланди. Бу даврдан бошлаб мамлакатимизда икки хил банк тизими амал қила бошлади: марказий давлат банки ва тижорат банклари.

Тижорат банклари асосан марказий давлат банкининг назоратида фаолият кўрсата бошлаган бўлса-да, аммо иқтисодий мустақиллигини тўла намоеън эта олди. Бозор иқтисодиёти шароитида мустақил молиявий муносабатларни ташкиллаштиришда инфратузилманинг фаол институтларидан бирига айланди.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш куйидагича амалга оширилиши мумкин:

- юқорида қайд қилинганидек, тижорат банклари орқали;
- кредит уюшмалари орқали;
- йирик корхоналар билан ҳамкорлик қилиш орқали;
- лизингни қўллаш орқали;
- мулкдор шахсларнинг мулкидан фойдаланиш орқали.

Айни даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни энг замонавий молиялаштириш шакллари:

- тижорат банкларидан кредит олиш;
- кредит уюшмаларидан кредит олиш;
- лизингдан фойдаланиш.

Бироқ, бугунги кунда буларнинг ичида энг оммавийлашгани тижорат банкларидан кредит олишдир. Кредит уюшмаларидан ва лизингни қўлловчи ташкилотлардан фойдаланувчи бизнес субъектлари деярли нисбатан камчиликни ташкил этади. Бунинг икки ёндашув асосида тушунтириш мумкин:

Биринчидан, аксарият тадбиркорлар ёки кичик бизнес субъектлари кредит уюшмаларининг талабларига мос ҳаракат қилишларида қийинчиликларни хис этадилар. Чунки кредит уюшмаларининг ҳам ўз Низомлари мавжуд бўлиб, белгиланган қонун-қоида асосида кредит бериш муносабатларини амалга оширадилар. Бундай уюшмалардаги кредит бериш жараёнларида тижорат банкларидаги ҳолатларга солиштирганда муаммолар борлиги ва тадбиркор учун тушунарсиз вазиятлар юзага келиши қайд этилган<sup>1</sup>.

Иккинчидан, молиявий ресурсларнинг чекланган даражаси кредит уюшмаларида ва лизинг берувчи ташкилотларда сезиларлироқдир. Чунки бизнес юритишда барча жиҳатлар молиявий муносабатларга бориб тақалар экан, мавжуд ресурсларнинг ҳажми ҳам бу жараёнларда муҳим рол ўйнайди.

Умуман олганда, кредит капитал маблағнинг ссудага айланишини таъминлайди ва кредитор ҳамда қарз олувчилар ўртасидаги муносабатни англатади.

Ҳозирги кунда барча тижорат банклари кредитлаш жараёнини ўзларининг кредит сийёсатидан келиб чиққан ҳолда амалга оширмоқдалар. Кредит ва ундан самарали фойдаланиш натижасида турли ютуқларга эришиш мумкин, аксинча бўлса, яъни кредитдан самарали фойдаланилмаса турли хил муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, кредит халқ хўжалигига турли йўллар билан асоссиз равишда кўп берилса ва оқибатда пул массаси кўпайиб кетади ва миллий валютани қадрсизланишига олиб келади.

---

<sup>1</sup> Бититувчининг тадқиқот изланишлари асосидаги натижаларга асосланган.

## 1.2. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда молия-кредит тизимининг аҳамияти

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг молиявий фаолияти асосини ташкил этувчи иқтисодий муносабатларнинг мазмуни ҳақида билмай туриб, уни ривожлантиришдаги молия-кредит тизимини бошқариш ҳақида фикр юритиб бўлмайди. Шу билан бирга таъкидлаш жоизки сўнгги пайтларда матбуотда, хатто махсус иқтисодий адабиётларда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг молиявий масалаларини умумий тарзда талкин қилиш ҳолатлари кўп учрамоқда<sup>1</sup>.

**Фикримизча**, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг молиявий муносабатлари таркибига такрор ишлаб чиқариш қатнашчилари ўртасида вужудга келадиган қуйидаги пул муносабатлари киради:

1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тизимидаги турли мулк шаклларига асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш шакллари ўртасидаги турли пул фондлари ва даромадларнинг ташкил топиши, тақсимланиши ва ишлатилиши юзасидан вужудга келадиган муносабатлар; корхона ва унинг ходимлари ўртасидаги меҳнатга ҳақ тўлаш фондини шаклланиши, мукофот ва рағбатлантириш фондларини ташкил этилиши, ишлатилиш жараёнидаги муносабатлар ҳамда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш харажатларини молиялаштириш учун қимматли қоғозлар чиқариш билан боғлиқ операциялар.

2. Кичик бизнес корхоналари ва уларнинг турли уюшмалари ўртасидаги муносабатлар (марказлашган пул фондларининг ташкил этилиши ва ишлатилиши жараёнидаги пул муносабатлари; капитал қўйилмалар, капитал таъмирлашни молиялаштириш, фойданинг қайта тақсимланиши ва бошқа молиявий ресурсларнинг шаклланиши ва ишлатилиши билан боғлиқ бўлган муносабатлар).

3. Кичик бизнес корхоналари ва давлат ўртасидаги муносабатлар:

- давлат ва тегишли идоралар томонидан молиявий масалаларни тартибга солиш жараёнидаги муносабатлар;

- давлат бюджетига тўловлар ва солиқлар, суғурта бадалларини тўлашдаги муносабатлар;

- капитал қўйилмаларни молиялаштириш, инновация фаолиятини рағбатлантириш, фаолиятнинг дастлабки босқичида кичик бизнесга давлат дастури бўйича берилаётган кредитларни олиш жараёнидаги муносабатлар;

- корхонага давлат аҳамиятидаги алоҳида лойиҳа бўйича қонунда кўрсатилган мақсадларга дотация (ёки субсидия) беришдаги муносабатлар ва бошқа шу кабилар.

4. Корхоналар ва тижорат банклари ўртасидаги муносабатлар.

5. Корхоналар билан корхоналар ўртасида, корхоналар билан аҳоли ўртасида олди-сотди жараёнида ҳамда қимматли қоғозлар ҳаракати билан боғлиқ муносабатлар. Шу билан бирга ушбу муносабатлар қаторига корхоналар ўртасида вужудга келадиган жарималар, устама тўловлар ҳам киради.

6. Корхона ва касаба уюшмалари ўртасидаги муносабатлар (ижтимоий суғуртага ажратмалар қилиш жараёнидаги муносабатлар).

Тадқиқот натижалари кўрсатишича, «Молия-кредит тизими» тушунчасининг моҳиятини тушунишда замонавий фанда бир қатор илмий фикрлар билдирилган. Хусусан, АҚШ ва Ғарбий Европа иқтисодчи-олимларининг фикрига кўра «молия-кредит тизими ўзининг бош мақсади сифатида акция курсини, акцияга тўғри келувчи соф фойда миқдорини, дивиденд даражасини, ҳиссадорлар мулкани ва бошқа шу кабиларни

---

<sup>1</sup> Қаралсин: Таминов Ю. Культура предпринимательства. –СПб.: 2000, Бусигин А. Предпринимательство. –М.: 1997, Дашков Л. и др. Предпринимательство и бизнес, –М.: 1995, Кратко И. Международное предпринимательство. –М.: 2001.

кўпайтиришни илгари сурувчи фирмалар молиясини бошқаришдир»<sup>1</sup>. В.А. Лялин ва П.В. Воробьевлар таъкидлашларича «Молия-кредит тизими – корхона ўз ва қарз маблағларидан самаралироқ фойдаланиши ҳамда энг кам таҳлика шароитида юқори фойда олишни таъминлашининг услублари, йўналишлари ҳақидаги фандир»<sup>2</sup>.

Фикримизча, бундай ёндошувда изланиш предмети нисбатан кенг олинмоқда. Бироқ ушбу ҳар иккала қарашларда ҳам тизимлилик етишмайди ва бу ҳолатда молия-кредит тизимининг у ёки бу махсус фан (молиявий таҳлил, молиявий ҳисоб ва ҳисобот, молиявий математика ва ҳ.к.)нинг ўрганиш объекти билан чалкаштирилишига йўл қўйилмоқда. Баъзи иқтисодчилар молия-кредит тизими тушунчасини мақсадли бошқарув тизими сифатида талқин қилмоқдалар. Жумладан, И.Т. Балабановнинг фикрига кўра «молия-кредит тизими – молиявий ресурслар ҳаракати ва бу жараёнда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида вужудга келадиган молиявий муносабатларни бошқариш мақсадини ишлаб чиқиш ва уларга молия дастаклари ёрдамида таъсир этиш жараёнини тавсифлайди».<sup>3</sup>

Е.С.Стоянова таъкидлашича, «Молия-кредит тизими корхона ўз олдида қўйган мақсадига эришиш учун фойдаланадиган усулларнинг зарурий мажмуасидир. Бу ердаги асосий нарса бош мақсадга зид келмайдиган, унга эришишни таъминлайдиган усулларни танлай била олиш ва қўллаш олишдадир»<sup>4</sup> деб таърифлайди.

Молия-кредит тизими моҳиятини бундай тушуниш юқоридаги қарашлардаги каби аниқ изланиш предметини ифодаласада, молия-кредит механизми жараёнининг ташкилий-иқтисодий асослари унда етарлича ёритиб бера олмаган.

Молия-кредит тизими концепцияси ўзига хос хусусиятлар ва белгиларга эга ва у тадқиқотнинг марказий ҳисобланиб, унга қуйидагича илмий таъриф берилган. Яъни: «Молия-кредит тизими – корхонани умумий мақсадларга эришишини таъминлашга йўналтирувчи тизимдир. Молия-кредит тизими бир томондан, ўзининг хусусиятлари ва маълум бир қонуниятларига эга бўлган, бошқариладиган тизимдир. Иккинчи томондан эса корхонани бошқариш умумий тизимининг муҳим таркибий қисми сифатида солиқлар, баҳо, меҳнатга ҳақ тўлаш, инвестиция сиёсати, фоиз ставкалари ва шу кабилар давлатнинг тартибга солиш тадбирлари орқали турли хил бошқарув қарорлари таъсирига мойил бўлади» деб таърифланади.

Ушбу таърифга асосан, молия-кредит тизимининг амал қилиши аввало корхоналар молиясини бошқаришга, хусусан ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришнинг қўшимча имкониятларини аниқлаш ҳамда улардан кенг фойдаланишни таъминлашга қаратилган. Молия-кредит тизими корхона раҳбарлари ва ходимлари ҳулқида, молия-кредит жараёнларини бошқариш ва тегишли қарорлар қабул қилишга таъсир кўрсатувчи қатор бўғинлар мажмуасига эгадир. Бироқ бундай таъсир кўрсатишнинг туб мақсади – молия ва кредитни умумдавлат микёсида нормал фаолиятининг муҳим шароитларини таъминлашдан, бошқача қилиб айтганда бюджетни камомадсиз асосда шакллантириш, режадаги тадбирларни молиялаштириш ва кредитлаш, топшириқларнинг бажарилиши, пул фондлари ташкил этилишининг нисбатлари ва тартибларига риоя қилиниши устидан молиявий назорат ўрнатишдан иборат.

Фикримизча, иқтисодий адабиётларни таҳлил этиш ва ундаги ғояларни тизимлаштириш молия-кредит тизимининг қуйидаги уч асосий йўналишини ажратиб кўрсатиш мумкин. Яъни:

1. Инвестиция юзасидан оқилона қарорларни қабул қилиш (инвестиция лойиҳаларини, инвестициялаш йўналишларини баҳолаш ва танлаш).

<sup>1</sup> Знадворов В.С. Экономическая теория государственных финансов. Учеб пособие. –М.: «ГУВШЭ», 2006. -390 стр.

<sup>2</sup> Нешитой А.С. Финанс и кредит. Учебник. –М.: «Дашков и К», 2006. 120 стр.

<sup>3</sup> Финанс и кредит. Учебник. Под. ред. проф. Т.М.Ковалевой. –М.: КНОРУС, 2006. 376 стр.

<sup>4</sup> Финансово-кредитный механизм: теория и практика. Учебник. Под редакцией Е.С. Стоянова. –М.: «Перспектива», 1996. с.405.

2. Оқилона молиявий қарорлар қабул қилиш (молиявий ресурсларни шакллантириш ва инвестиция қилиш йўналишлари бўйича тақсимлаш).

3. Самарали бўлган молиявий назоратни таъминлаш (молиявий ресурсларни сақлаш ва кўпайтириш).

Фикримизча, молия-кредит тизимининг ҳар қайси йўналишини кўйидаги умумий мақсадлар бирлаштиради: фойдани кўпайтириш; ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ барча аҳоли гуруҳлари эҳтиёжларини қондириш; корхонада қисқа муддатли манфаатларнинг узок муддатдаги истикбол ривожланиш вазибаларига зид келмайдиган ўсишини таъминлаш.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхона фаолиятини бошқаришнинг турли жабҳалари у ёки бу даражада албатта молия-кредит тизими хизматининг эътиборида бўлади. Шу муносабат билан корхонанинг айрим бошқарув қарорларида молия-кредит тизими иштирокини ёритиш муҳимдир. (2 – жадвал).

Эътиборлиси, молия-кредит тизими ҳар қайси йўналишларининг умумий мақсадларга эгаллиги уларнинг бир-бирини тақозо этувчи ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ жараён эканлигини тасдиқлайди. Бироқ корхона молиявий ҳаётининг у ёки бу босқичида молия-кредит тизимининг мазкур йўналишлари устуворлиги ҳақида ҳам таъкидлаш лозим.

Молия-кредит тизими умумиқтисодий асосларининг кичик бизнес корхоналаридаги қўлланилиши ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олишни ҳамда ушбу жараёндаги замонавий муаммоларни таҳлил этишни талаб этади.

Кичик бизнес корхоналари молиявий фаолиятини бошқаришни меъёрий ҳукукий базасининг таҳлили Ўзбекистон Республикасида бу асос 1994 йилнинг бошларидан шакллана бошлаганлиги ва ушбу жараён ҳозиргача давом этаётганлигини кўрсатмоқда. Бунинг натижасида кичик корхоналарнинг капитал, меҳнат ва товар бозорларидаги фаолият юритиш шароитлари анча қийин кечмоқда.

2-жадвал

**Молия-кредит тизимининг корхона айрим бошқарув қарорларидаги иштироки<sup>1</sup>**

<b>Корхонани бошқарув функциялари</b>	<b>Молия-кредит тизими хизматининг тегишли қарорлари</b>
Режалаштириш ва прогнозлаштириш	Корхонани келгуси йил молиявий ҳолатини башорат қилиш. Корхона ривожланишининг бизнес-режасини тузиш (бўлимлар: асосий иқтисодий кўрсаткичлар; корхона таклиф этаётган нархлар ва сотиш даражасини, моддий ресурслар нархини экспертиза қилиш, корхона инвестиция фаолиятини олдиндан экспертиза қилиш, маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан молиявий натижа, ялпи даромад, корхонанинг молиявий фаолияти, кредитга эҳтиёжни ҳисоблаш, молиявий режа, бюджет ажратмалари).
Маркетинг	Корхона савдо фаолиятини молиявий экспертиза қилиш, корхона маҳсулотини мақсадли фойда даражасини таъминлайдиган баҳоларда сотиш дастурини асослаш.
Ишлаб чиқаришни ташкил этиш	Корхона бўлимлари фаолиятининг молиявий назорати, зарар билан ишловчи ишлаб чиқаришларни қайта ташкил этиш бўйича таклифларни асослаш.
Қурилиш ва реконструкция жараёнини бошқариш	Янги ишлаб чиқариш лойиҳаларини молиявий қисмини асослаш. Узок муддатли инвестициялар ва молиявий кўйилмаларнинг

<sup>1</sup> Манба: Ушбу жадвал муаллиф илмий изланишлари асосида тузилган.

	<p>молиялаштирилишини асослаш ва таъминлаш. Ишлаб чиқариш воситалари ҳақиқий миқдори, ҳолатининг корхона эҳтиёжига мослигини баҳолаш ва таъминлаш.</p>
--	--

Илмий манбаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида қарор қабул қилиш тамойиллари кўриб чиқиладиган бўлса, бошқарувчилар қарорларини одатда учта асосий тоифага ажратиш тавсия этилди. Яъни:

- амалдаги ишлаб чиқариш ёки тижорат шартларига тегишли қарорлар, яъни жорий вазифаларни тартибга солиш;

- тадбиркорликка хос қарорлар, яъни фаолият соҳаларини кенгайтириш, янги бўлинмаларни ташкил этишга ҳаракат қилиш, янги сармояларни жалб этиш, янги бозор сегментларини ўзлаштириш ва ҳ.к.;

- халқаро шароитдаги янги даражага эришиш учун корхона стратегик вазифаларининг ташкилий шакли ва мақсадларини ўзгарувчан шароитларга мослаштиришни таъминлайдиган махсус қарорларни қабул қилиш.

Фикримизча, кичик корхоналарда молия-кредит тизимининг муҳим ташкилий тамойиллари сифатида қуйидагиларни алоҳида ажратиш тавсия этилди:

- мажмуавийлик (алоҳида усул ва воситаларнинг бир-бирини тўлдириши);
- функционаллик (молия-кредит механизмнинг қўйилган мақсадларга мувофиқ амал қилиши);

- мослашувчанлик (мазкур механизмнинг иқтисодий муҳитдаги ўзгаришларни вақтида ҳисобга олиш ва тегишли тадбирлар белгилашга қодирлиги);

- ягоналик (мазкур механизм барча тартибга солувчи элементларнинг умумий фаолияти);

- яшовчанлик (молиявий қарорлар қабул қилишда таваккалчилик омилини ҳисобга олиш ва барқарор мувозанатни сақлаш).

Биз соҳага оид иқтисодий адабиётларни ўрганиб, кичик бизнес корхоналарида молия-кредит тизимини самарали ташкил этишнинг объектив шарт-шароитлари қаторига қуйидагиларни қўшишни таклиф этмоқчимиз:

- ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчиликнинг ривожланиши;
- хўжалик фаолиятида ўз-ўзини молиялаштириш;
- баҳо шаклланишининг бозор тамойиллари ва бозор қонунчилиги;
- товар, меҳнат ва капитал бозорларининг ривожланиши;
- кичик корхоналар фаолиятига давлат аралашуви даражасининг аниқ чегараланиши (зарур меъёрий-ҳуқуқий асосларнинг мавжудлиги).

Хулоса қилиб айтганда, кичик корхоналарда молия-кредит тизимида қуйидаги элементларни ажратиш тавсия қилинган: лозим деб топилган: молиявий таҳлил; молиявий режалаштириш; қисқа муддатли молиявий ресурсларни бошқариш (қисқа муддатли кредит, тижорат кредити ва таъминланмаган молиялаштиришни бошқариш); узоқ муддатли молиявий ресурсларни бошқариш (капитални тўлатиш учун маблағларни акциялар эмиссияси орқали жалб этиш, қарз маблағларини жалб этиш, маблағларнинг истиқбол қийматини пул оқимларини дисконтлаш йўли орқали баҳолаш); турли таваккалчиликларни баҳолаш ва бошқариш; молиявий таҳлил ва таваккалчиликларни баҳолаш маълумотларига асосан қарорлар қабул қилиш; қарорларнинг бажарилиши, молиявий ҳисобот ва назорат.

Кредит ишлаб чиқарувчи кучларни рағбатлантиради, илмий-техника ютуқлари асосида қайта ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун капитал маблағларини шаклланишини тезлаштиради. Бу эса мамлакатни иқтисодий жиҳатдан ривожланишига олиб келади ва янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга эришилади. Республика ҳукумати томонидан кредит муносабатларига кенг йўл очиш мақсадида бир қатор тижорат банклари (Микрокредитбанк, Ипотекабанк, савдогар банк ва бошқалар) ташкил этилиб, фаолият

кўрсатиб келмоқда. Лекин банк тизимининг ўзига хослиги, унинг кредитлаш усул ва механизмлари даврнинг кредит муносабатларига жавоб бермаганлиги сабабли, янгича кредит муассасалари (Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, кредит уюшмалари) ташкил этилди. Кредит муассасалари билан бирга кредитлаш тизими ҳам ривожланиб, замон талабига мос бўлган кредитлашнинг шакл ва турлари жорий этиб борилмоқда. Иқтисодийда кичик бизнеснинг янги иш ўринлари яратиши, махсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайиши ва хизматлар кўрсатиш доираси кенгайиши уларни кредит билан чамбарчас боғлиқлигини кўришимиз мумкин.

Банк кредитлари янги корхоналарни пайдо бўлишига ва янги иш ўринларининг кўпайишига кўмаклашади ҳамда уларнинг иқтисодий ҳаётлигини таъминлайди қолаверса, ишлаб чиқариш кўламини оширади. Бир сўз билан айтганда, кредит кичик бизнес корхоналарининг инвестицион фаоллигини оширади.

Кредит олган банк миждозлари ўз қонун ва қоидаларига эга бўлган бозор муҳитида, энг кучли, ақилли ва фаол хўжалик субъектлари ютиб чиқадиган рақобатчилик шароитида фаолият юритадилар. Тўғри ривожланиш стратегиясини танлаб олмаган, бозор шароитларига мослашмаган корхоналар ўз позицияларини бой берадилар.

### **1.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий фаолиятига кредит уюшмалари ва халқаро кредит ташкилотларининг таъсири**

Ўзбекистон шароитида кредит институтларини ривожлантириш жуда муҳим аҳамият касб эта бошлади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш масаласида бундай институтлар қаторига кредит уюшмалари фаолияти ҳам кириши бизга маълум.

2002 йилда Ўзбекистон Республикасининг "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги қонуни қабул қилиниши билан янги молиявий сектор – республикада биринчи нобанк молия институтлари бўлган кредит уюшмаларини ташкил қилиш учун биринчи қадамлар қўйилди. Мазкур секторнинг ривожланиши жараёнида кредит уюшмалари барқарор молиявий институтлар бўлгани ҳолда, ўзларининг республика молия тизими, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда авваллари молиялаш манбаларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган аҳоли қатламларига молиявий хизматларнинг кенг спектрини тақдим қилишда ўзларининг муҳим ролларини исботладилар.

Шундан келиб чиққан ҳолда, кредит уюшмаларини институционал ривожлантириш ва уларни молиявий мустаҳкамлаш орқали мунтазам мукаммалаштириб бориш лозим. Шу муносабат билан, шунингдек кредит уюшмаларини бирлаштириш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини Ҳукумат, Марказий банк ва бошқа давлат органларида ифодалаш ва ҳимоя қилиш, кредит уюшмаларининг ривожланишига имконият яратувчи ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишга кўмаклашиш мақсадида, республика кредит уюшмалари томонидан Кредит уюшмалари ассоциациясини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Кредит уюшмалари ассоциацияси 2005 йил 6 июнда ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган. Юқорида зикр этилган мақсадлардан ташқари, Ассоциация фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– кредит уюшмаларини бирлаштириш, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш;

– ассоциация аъзоларига муомала фаолиятининг умумий кўрсаткичларини жорий этишга кўмаклашиш;

– давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари муҳокамасига киритиш учун кредит уюшмаларини барқарор ривожлантириш мустақил стратегиясини аниқлаш;

- маркетинг тадқиқотлари олиб бориш;
- кредит уюшмалари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатларни, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг кредит уюшмалари фаолиятига доир қарорларини ўрганиш;
- кредит уюшмаларининг ривожланишини рағбатлантирувчи ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга кўмаклашиш;
- кредит уюшмалари ходимлари ҳамда сайлаб қўйиладиган органлари аъзоларининг малакасини ошириш тизимларини ташкил этиш;
- кредит уюшмалари фаолиятини ташкил этиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш;
- кредит уюшмалари учун уларнинг фаолиятига самарали молиявий воситаларни татбиқ этиш юзасидан тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш;
- кредит уюшмалари фаолиятини шу жумладан уларнинг ликвидли мавқеини сақлаш йўли билан қўллаб-қувватлаш;
- барқарорлаштириш фондини ташкил этиш ва уни бошқариш;
- конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари ва ҳоказолар ташкил этиш;
- оператив, илмий-услубий ахборотларни ишлаб чиқиш ва кредит уюшмаларини улар билан таъминлаш;
- устав вазифаларини бажариш учун хизматларни ишлаб чиқиш, ташкил этиш ва аъзоларга кўрсатиш;
- амалдаги қонун ҳужжатларига ва ушбу Уставга зид бўлмаган бошқа мақсадлар.

Ассоциация фаолиятининг асосий йўналишлари, мақсад ва вазифалари айрим кредит уюшмаларини ҳам, умуман кредит уюшмалари тизимини ҳам ривожлантиришга, шунингдек тизимнинг ишончли ишлашини, унинг барқарорлиги ва изчил ривожланишини таъминлашга қаратилган.

Ассоциация ташкил қилинганидан бошлаб аҳоли, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг кредит уюшмаларининг фаолияти тўғрисида хабардорлигини ошириш, кредит уюшмалари манфаатларини илгари суриш ва давлат органлари ва мувофиқлаштирувчи органлар олдида ифодалаш ва ҳимоя қилишга қаратилган ишларга алоҳида эътибор беради. Унинг асосий мақсади – Ўзбекистанда институционал ривожланган, ишончли, барқарор ва жўшқин ривожланаётган кредит уюшмалари тизимини шакллантириштир.

Бугунги кунда республикада 49 кредит уюшмаси фаолият кўрсатмоқда ва улар фаолиятининг сон ва сифат кўрсаткичлари ўсишининг юқори суръатлари кузатилмоқда. Масалан, кредит уюшмалари активларининг ҳамжи 37 млрд. сўмдан ортиб кетди.

Кредит уюшмалари молиявий кўрсаткичлари ўсишининг бундай юқори суръатлари биринчи навбатда аҳолининг кредит уюшмалари тизимига бўлган ишончининг ортиши билан таъминланади. Бугунги кунда кредит уюшмаларининг молиявий хизматларидан кредит уюшмаларининг аъзолари бўлган 60 мингдан зиёд киши фойдаланмоқда. Бунда кредит уюшмалари ресурс базасининг 98 фоизини жисмоний шахсларнинг пай бадаллари ва депозитлари ташкил қилади.

Кўрсаткичлар ўсишининг юқори суръатлари ва молиявий хизматларга талабнинг юқорилилиги кредит уюшмаларининг юқори ликвидлилиги, улар кўрсатаётган молиявий хизматлардан аҳолининг кенг қатламлари, шу жумладан кам таъминланганлар, фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги, мижозларга тез хизмат кўрсатиш ва кредитлаш жараёнининг соддалаштирилганлиги, депозитлар бўйича ҳам, кредитлар бўйича ҳам фоиз ставкалари сиёсатининг мосланувчанлиги билан таъминланади.

Дастлабки маълумотларга кўра, кредит уюшмаларининг фаолияти ёрдамида 12 минг янги ишчи ўринлари барпо қилинди. Агар касаначилик ёки фермерликни ривожлантириш учун ажратилган бир микрокредит берилганда, бу кредитга хизмат кўрсатиш учун оила аъзолари ҳам жалб қилинишини ҳисобга оладиган бўлсак, у ҳолда коедит уюшмаларининг аҳолини иш билан таъминлашдаги ролини қайд этиб ўтишимиз мумкин.

Кредит уюшмаларининг барқарор ва жўшқин ривожланишини таъминлаш ва республикада мустаҳкам ва ишончли кредит уюшмалари тизимини шакллантириш Кредит Уюшмалари Ассоциацияси фаолиятининг устувор йўналишларидандир. Лекин шунга қарамасдан молия сектори, шу жумладан кордит уюшмаларининг ўсиш суръатлари Ассоциациядан кредит уюшмаларини янада ривожлантиришни талаб қилади ва унинг зиммасига янада мураккаб вазғифалар мажмуини юклайди. Чунончи, 2007 йил 1 мартдан Ассоциация томонидан;


- Кредит уюшмалари фаолияти ва уларнинг хатарларини ўзаро назорат қилишни назарда тутувчи кредит уюшмалари мажбуриятларини ўзаро қафолатлаш тизими ишлаб чиқилди ва жорий қилинди;

- Республикада кредит уюшмалари тизимини барқарор ривожлантириш мақсадида ҳамда кредит уюшмасининг аъзолари бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг омонотларини қафолатлаш, уларнинг бутлиги ва ҳимояланганлигини таъминлаш мақсадида Ассоциациянинг "Альянс Гарант" барқарорлаштириш фонди ташкил қилинди ҳамда Ассоциациянинг аъзолари бўлган кредит уюшмаларининг тугатилиши ёки банкротлик ҳолатларида фойдаланилувчи кредит уюшмалари аъзоларининг осмонатларини қафолатлаш тизими ишга туширилди. Келгусида қафолатланувчи сумманинг миқдорини банк қафолатлари даражасига етказиш назарда тутилган;

- Ўзаро қафолатлаш тизими доирасида маълум бир операцион ва молиявий муаммоларга эга бўлган кредит уюшмалари – Ассоциация аъзоларининг молиявий аҳволини барқарорлаштириш механизмлари ва воситалари жорий қилинди;

- Кредит уюшмаларининг ликвидлигини таъминлаш мақсадида Барқарорлаштириш фонди доирасида тегишли маблағлар жамланган ва Ассоциацияга аъзо бўлган кредит уюшмаларининг ликвидлик позициясини қўллаб-қувватлаш тизими жорий қилинди.

### 1.3.1-чизма. Кредит маблағларини тармоқлар бўйича йўналтирилиши<sup>1</sup>



<sup>1</sup> Илмий манбалар асосида муаллиф томонидан ишланган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Миллий банк фаолиятида ҳамиша устувор ўрин тутиб келган. Тадбиркорлар валюта ресурсларидан фойдалана олишини таъминлаш учун Миллий банк 1993 йилдан буён “Европа тикланиш ва тараққиёти Банки” (ЕТТБ), Осиё тараққиёти Банки (ОТБ), Халқаро молия Корпорацияси (ХМК), КФВ, ОПЕК Фонди каби халқаро молия муассасалари кредит йўналишларининг маблағларини такрор молиялаб келмоқда.

Ҳозирги вақтда ИТБ билан тузиладиган битим шартлари ишлаб чиқиляпти. Хорижий кредит йўналишлари доирасида умумий қиймати 394,4 млн. АҚШ доллари бўлган 140 лойиҳа молиялашга қабул қилинган бўлиб, шундан 219 млн. АҚШ доллари кредитлар суммасини ташкил этади.

2003 йил давомида молиялаш учун маъқулланган 9 лойиҳа бўйича кредитлар суммаси 13,2 млн. АҚШ долларини ташкил этган эди. Шунингдек, 18 лойиҳа бўйича молиялаш ишлари бошланди. Улар 29 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги кредитлар ҳисобидан молияланган.

ИТБ томонидан 2003 йилда ўзига тегишли ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан хусусий тадбиркорлик субъектларига қарийб 70,8 млрд. сўмлик кредитлар ажратилган. Бу эса, 8400 дан зиёд қўшимча иш жойлари яратиш имконини берган.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга бир қатор мамлакатлар жиддий ёндашмоқдалар. Ўзбекистон шароитида бундай ёндашувнинг аввалдан мавжудлиги сезиларли бўлди. Шу ўринда Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг ролини кучайтириш ғоят муҳим ўрин тутди. “Ҳозирги вақтда 6 миллиард доллардан ортиқ маблағ жамланган ушбу Фонд, аввало, стратегик муҳим инвестицион лойиҳаларини хорижий инвесторлар билан биргаликда молиялаштиришда етакчи шериклардан бири сифатида фаолият олиб бориши керак”

**2-боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг амалий ҳолати ва ҳудудий муаммолар**

**2.1. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришдаги ҳудудий амалий жараёнлар**

Ҳозирги кунга қадар олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, 2009–2011 йилларда тижорат банклари томонидан берилаётган кредитларнинг умумий ҳажмида қисқа муддатли кредитлар салмоғи кыпайиш тенденциясига эга бўлди. Узоқ муддатли кредитлар ҳажми эса шудди шу даврларда камайиб, 2009 йилларга эа адар эса ўсиб борувчи тенденцияга эга бўлган. Аммо, ҳар икки турдаги кредитларнинг аҳамияти миллий иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир этади. Чунки, банкларнинг қисқа муддатли кредитлари хўжалик юритувчи субъектларнинг айланма маблағларини тўлдиришнинг муҳим молиявий манбаи ҳисобланса, узоқ муддатли кредитлар инвестициявий харажатларни молиялаштиришнинг асосий манбаларидан биридир.

2.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг муддатига кўра таркиби<sup>1</sup>**

(фоизларда)

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2004 йил</b>	<b>2005 йил</b>	<b>2006 йил</b>	<b>2007 йил</b>	<b>2008 йил</b>	<b>2009 йил</b>	<b>2010 йил</b>	<b>2011 йил</b>
Жами кредитлар	100	100	100	100	100	100	100	100
Шу жумладан:								
қисқа муддатли	18,2	18,8	22,4	22,3	21,8	21,6	22,3	22,9
узоқ муддатли	81,8	81,2	77,6	77,7	78,2	78,4	77,7	77,1

Хусусан, олиб борилган тадқиқотлар натижаларида<sup>2</sup> кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига давлат томонидан молиявий ёрдам кўрсатиш амалий жиҳатдан тобора кенгайиб бораётганлиги маълум бўлди. Агар 2.2-жадвал кўрсаткичларини таҳлил этсак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан давлатдан молиявий ёрдам олаётган корхоналар сони ошганлигини кўришимиз мумкин. Аксига олиб «муҳтожлик йўқ» деб жавоб берганлар эса, камайиб борувчи тенденцияга эга.

Бирок, шуни қайд этиш керакки, 2.2-жадвалда келтирилганидек, маҳаллий банк тизими фаолиятдан ёрдам ола олмаётган кичик бизнес субъектлари ҳам йўқ эмас. улар сўнгги 4 йил мобайнида атиги 0,3 пунктга ўсган. Бундай респондентларнинг муаммолари ўрганилганда, уларнинг бизнес-режаларида жузъий камчиликлар борлиги аниқланди.

Фикримизча, бугунги кунда бизнес-режаларни тузилишини ва шаклини кичик бизнес субъектларига назарий жиҳатдан ўргатиб бориш зарурияти туғилмоқда. Шундагина бундай муаммоларни ҳал этиш имкониятлари юзага келиши мумкин.

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида тузилган.

<sup>2</sup> Тадқиқот муаллиф томонидан малакавий амалиёт даврида олиб борилган.

**Респондентларнинг «Сиз давлат томонидан молиявий ёрдам оласизми?», – деган саволга берган жавоблари салмоғи<sup>1</sup>**

(фоизларда)

Респондентларнинг жавоблари	1999 йил	2003 йил	2007 йил	2011 йил
Ёрдам олаётган корхоналар	11,4	29,8	38,8	41,6
Ёрдам олмаётган корхоналар	2,8	35,4	37,4	37,7
Саволни жавобсиз қолдирганлар	85,8	–	0	0
«Муҳтожлик йўқ» деганлар	–	34,8	23,8	20,7

2.2-жадвал кўрсаткичларидан ҳукумат томонидан олиб борилаётган монетар сиёсатнинг ижтимоий аҳамияти ошаётганлиги яққол кўриниб турибди. Ҳақиқатдан ҳам «давлатнинг ижтимоий соҳа ва ижтимоий муҳофаза учун сарф-харажатлари 5 баравардан зиёдроқ кўпайди»<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасида банк тизими фаолиятини кенгайтириш ва тижорат банкларининг ўрни ва аҳамиятини ошириш мақсадида қабул қилинган ҳукумат фармонлари ва қарорлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий жиҳатдан янада кенгроқ қўллаб-қувватлашга олиб келмоқда. Масалан, «Микрокредитбанк» очик акциядорлик-тижорат банкининг 81 та филиали, 272 та минибанки ва 24 та агентликлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига малакали хизмат кўрсатиб, 2009 йилда бошланғич сармоялар учун 12,5 млрд. сўмдан ортиқ, янги ташкил этилган корхоналар фаолиятини кенгайтиришга 51,1 млрд. сўмдан кўпроқ миқдорда кредитлар ажратди.

2010 йил якунига келиб, мазкур банк ўз фаолияти давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 268 млрд. сўмлик микромолиявий хизматларни, 68 млрд. сўмлик микролизинг хизматларини амалга оширди. Бунинг натижасида 346 мингта яқин янги иш ўринлари яратилди<sup>3</sup>.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида (2009 йилда) банкларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига молиявий жиҳатдан кўмак бериш учун, тижорат банклари томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадларига 670 млрд. сўмдан зиёд имтиёзли кредит ажратилди.

Маълумки, 2006 йилда «Микромолиялаш тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Унга асосан тижорат банклари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва лобардлар томонидан микромолиявий хизматлар кўрсатишнинг соддалаштирилган қоидалари ишлаб чиқилди. Натижада, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг микромолиявий хизматларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга қаратилган микромолиявий хизматларнинг мунтазам тизими барпо этилди. Бу эса ўз навбатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг имтиёзли кредитлардан фойдаланиш имкониятларини кескин оширди.

Жумладан, банк-кредит сиёсатида тадбиркорлик ва бизнес фаолиятини бошлаш учун 18 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 200 бараваригача миқдоридаги

<sup>1</sup> Изоҳ: Жадвал илмий манбалар (Арипов О.А. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш. –Т.: Фан, 2012. 137 бет) асосида тузилган. Бунда 2011 йилга тегишли маълумотлар муаллифнинг тадқиқотларига асосланган.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг БМТ Саммити мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи. // Халқ сўзи. 22 сентябрь. 2010. №184.

<sup>3</sup> Мазкур банк маълумотлари асосида муаллиф ҳисоблари. Маълумотлар 2010 йил 1 декабрь ҳолатига тўғри.

имтиёзли микрокредитлар бўйича максимал ставка йиллик 5 фоиздан 3 фоизга, кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун 24 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 500 баравари миқдоридаги микрокредитлар бўйича Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг 100 фоиздан 50 фоизга, энг кам иш ҳақининг 2000 баравари миқдоридаги 3 йилгача муддатга кўрсатиладиган имтиёзли микролизинг хизматлари бўйича максимал ставкани 7 фоиздан 5 фоизга туширишга йўналтирилган ўзгартиришлар киритилди.

Мамлакатда яратилаётган ҳуқуқий асосларнинг тобора такомиллашуви ва уни ижро этиш механизмида давлат органларининг фаол иштироки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини диверсификацион тарзда ривожланишига олиб келмоқда. Буни ўтказилган илмий тадқиқотлар натижалари ҳам кўрсатмоқда.

Масалан, иқтисодчи олимларимиз томонидан томонидан олиб борилган тадқиқотлардан шу ҳолат маълум бўлдики, давлат бош ислохотчилиги йўлида бир қатор чора-тадбирларни амалга оширгани мақсадга мувофиқдир. 2.3-жадвалдаги жавоблар тақсимотидан кўриниб турибдики, респондентларнинг 30,5 фоизи аниқ ижобий жавоб берган бўлсалар-да, уларнинг 81,7 фоизи муайян даражада давлат идораларининг ёрдамидан инкор этишмайди.

Бундай ёрдам кўлами, жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз авж олган даврда янада кенгайди. Хусусан, 2007 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредит миқдори 1396,1 млрд. сўмни ташкил этди. Жумладан, халқаро молия институтлари томонидан ажратилган кредитлар ҳажми 23089,6 минг АҚШ долларига тўғри келди.

2009 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш ҳажми 2008 йилдагига нисбатан олганда 1,5 бараварга, микрокредитлар бўйича ажратилган маблағлар ҳажми эса 2 бараварга кўпайди. 2010 йилда ушбу сектор учун камида 2,5 триллион сўм ҳажмда кредит ресурслари ажратиш кўзланган бўлиб, бу 2009 йилдаги ҳолатдан 1,4 бараварга кўпдир. Шунингдек, 2010 йилда микрокредитлар ҳажми 420 млрд. сўм ёки 2009 йилга нисбатан олганда 1,3 бараварга кўпайтиришни таъминлаш вазифаси қўйилди. Бу шубҳасиз, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий жиҳатдан барқарорлигини оширади, уларнинг айланма маблағини тўлдиради, ишлаб чиқаришнинг техник қайта жиҳозлаш ва маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш жараёнини яхшилайди.

2.3-жадвал

**Респондентларнинг «Давлат органлари томонидан кўрсатилган ёрдамдан қониқасизми?», – деган саволга жавоблари бўйича тақсимланиши<sup>1</sup>**

Респондентлар жавоблари	1999 йил	2003 йил	2007 йил	2011 йил
Ҳа, тўлиқ қониқаман	2,7%	11,6%	30,5%	31,6%
Қисман қониқаман	–	30,0%	19,2%	18,3%
Қониқаман, лекин янги қўшимчалар киритиш керак	–	22,6%	14,6%	15,4%
Унчалик эмас	–	18,2%	17,4%	16,2%
Жавобсиз қолдирганлар	97,3 %	–	–	–
Йўқ	–	17,6%	18,3%	18,5%

<sup>1</sup> Изоҳ: Жадвал илмий манбалар (Арипов О.А. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш. –Т.: Фан, 2012. 137 бет) асосида тузилган. Бунда 2011 йилга тегишли маълумотлар муаллифнинг тадқиқотларига асосланган.

Пул-кредит сиёсатини самарали амалга ошириш борасида ҳукумат томонидан бир қатор меъёрий ҳужжатлар пакети шакллантирилдики, улар асосида ҳуқуқий жиҳатдан бошқариш имкониятлари кенгайтирилмоқда.

Бироқ, тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, дастлабки 10 йилликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида берилган кредит қўйилмаларини минтақалар бўйича таҳлил қилганда, уларнинг тақсимооти жойларда нотекис амалга оширилган.

Хулоса қилиб айтганда, бу соҳадаги муаммолар ҳали анчагина. Уларни бартараф этиш бўйича йилдан йилга чора-тадбирлар кўрилмоқда. Айниқса, Давлат дастурларини бажарилишида фикрларимизнинг аниқ далилларини кўрмоқдамиз.

Бироқ, умумий ҳолатни ҳисобга олганда, сўнгги йилларда банк тизимини ривожлантириш бўйича мамлакатда жиддий ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Банк тизими орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш кўрсаткичлари пасайиш томонига эмас, балки юксалиш сари кўтарилиб борди. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тартибга солишда давлат томонидан олиб борилаётган монетар сиёсат «ўзбек модели» асосидаги тамойиллар негизида амалга оширилиб, бугунги кундаги глобаллашув жараёнларида ижобий самара берди.

## **2.2. Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши ҳамда молиялаштириш амалиёти**

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш жадал суръатларда амалга оширилди. Бозор иқтисодиёти ривожланиб борган сари иқтисодиёт таркибидаги корхоналар мулкчилик жиҳатидан турли шаклларда намоён бўлди. 2011 йилнинг якунига келиб, Наманган вилоятида нодавлат мулки шаклидаги корхоналар сони 29553 тага етиб, уларнинг асосий улушини фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил этди. Кейинги ўринда хусусий корхоналар сони устунлик қилиб бундай корхоналар таркибида кичик корхоналар ва микрофирмалар ва яққат тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ҳам бор. Уларнинг барчаси ишчилар сонига кўра соҳалар бўйича градацияланган.

Шунингдек, ҳиссадорлик жамиятлари ва қўшма корхоналар ҳам ўз фаолиятларини ташкил этган бўлиб, улар ҳам миллий иқтисодиётнинг ривожланишига ўз хиссалаларини қўшиб келмоқдалар. Ҳозирги кўнда ҳиссадорлик жамиятлари асосан йирикрок кўринишдаги корхоналарни ташкил этмоқда. Қўшма корхоналар фаолияти эса ташқи алоқаларни олиб боришда салмоқли хисса қўшмоқда.

Вилоятда 2012 йилнинг 1 январ ҳолатига жами **28754 та кичик бизнес субъектлари давлат рўйхитидан ўтган бўлиб, бугунги кунда барча соҳаларда мавжуд. Бу корхоналарнинг 25682 таси микрофирма ва 3072 таси кичик корхоналар шаклидадир.** Уларнинг 16,4 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 9,3 фоизи саноат, 4,9 фоизи қурилиш, 55,4 фоизи қишлоқ хўжалиги, 14,0 фоизи бошқа корхоналардир.

Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, савдо ва умум-овқатланиш соҳаларида жадал ривожланмоқда. 2011 йилда айниқса саноат соҳасида сезиларли ўзгаришлар амалга оширилиб, бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши катта бўлди.

Улгуржи савдо, Умумий тижорат амалиёти, транспорт ва алоҳа, соғлиқни сақалаш ва маиший хизмат кўрсатишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг ривожланиши ўртача ҳолатда бўлди. Аммо бундай корхоналар сони йилдан йилга сезиларли ортиб бормоқда. Чунки бундай корхоналар нафақат корхона сифатида балки

инфратузилма таркибида бошқа функционал вазифаларни ҳам бажаришга хизмиат қилмоқда.

## 2.4-жадвал

### Иқтисодиёт тармоқларининг бозор иқтисодиётига ўтиш кўрсаткичлари<sup>1</sup>

<b>Корхоналар мақоми</b>	<b>2007 йил</b>	<b>2008 йил</b>	<b>2009 йил</b>	<b>2010 йил</b>	<b>2011 йил</b>
-хусусий корхоналар сони	6344	6681	7105	7931	8162
-хиссадорлик жамиятлари	155	122	104	82	83
-қўшма корхоналар	68	63	57	54	63
-фермер ва деҳқон хўжаликлари	13539	15487	14689	14701	14716
-бошқа мулк шаклидаги корхоналар	3790	4456	5077	5484	6529
<b>Жами нодавлат мулк шаклидаги корхоналар сони</b>	<b>23896</b>	<b>26809</b>	<b>27032</b>	<b>28252</b>	<b>29553</b>

Наманган вилояти бўйича олганда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг ривожланиб боришида таркибий жиҳатдан ўзгаришлар мавжуд. Ҳозирга қадар барча соҳаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланган бўлиб, маҳаллий иқтисодиётнинг юксалиб боришида асосий ўринни эгаллаб келмоқда. Тадбиркорлик субъектларининг кўпайиб бориши натижасида жуда кўп соҳаларда янги ва янги имкониятлар пайдо бўлмоқда. Бу имкониятлар эса аҳоли турмуш даражасини янада оширишга олиб келмоқда.

Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 32310 та, уй меҳнатини ташкил қилиш ҳисобига жами 26666 та, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 14169 та, янги объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва фаолиятини кенгайтириш ҳисобига 5440 та, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига 4512 та янги иш ўринлари яратилди. Бу каби жараёнлар ҳукуматимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яратилаётган шарт-шароитлар туфайли амалга ошмоқда.

<sup>1</sup> Жадвал муаллиф томонидан Наманган вилояти статистика бошқармасидан олинган маълумотлар асосида тузилган.

**Давлат рўйхатидан ўтган хўжалик юритувчи  
субъектларнинг соҳалардаги табақалашуви<sup>1</sup>**

(бирликда)

Тармоқлар	Жами	шу жумладан		
		Микро	Кичик	Йирик
Саноат	2716	2499	179	38
Қишлоқ хўжалиги	16194	14144	1780	270
Ўрмон хўжалиги	23	18	2	3
Транспорт ва алоқа	590	472	72	46
Қурилиш	1465	1314	109	42
Улгуржи савдо	1048	924	97	27
Савдо ва умум-овқатланиш	4762	4325	399	38
Моддий- техника таъминоти	10	8	2	-
Тайёрлов	71	66	5	-
Ахборот ҳисоблаш хизмати	114	114	-	-
Кўчмас мулк амалиёти	158	155	3	-
Умумий тижорат амалиёти	652	649	3	-
Геология ва қидирув	7	5	-	2
Моддий и.ч.нинг бошқа турлари	83	76	6	1
Уй жой ва коммунал хизмат соҳасида	509	135	7	367
Маиший хизмат соҳасида	222	211	5	6
Соғлиқни сақлаш соҳасида	767	341	216	210
Халқ таълими соҳасида	1428	97	150	1181
Маданият соҳасида	156	65	35	56
Фан соҳасида	60	30	-	30
Молия соҳасида	44	29	1	14
Бошқарувларда	1047	5	1	1041
Жамоа бирлашмалари	513	-	-	513
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>32639</b>	<b>25682</b>	<b>3072</b>	<b>3885</b>

<sup>1</sup> Жадвал муаллиф томонидан Наманган вилояти статистика бошқармасидан олинган маълумотлар асосида тузилган

Бугунги кунга келиб, Республика Президентининг ПФ-3706-сонли Фармони бўйича касаначиликни ривожлантириш асосида жами 7187 та иш ўринлари яратилиши белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 7187 та иш ўринлари яратилди ёки режа 100,0 фоизга бажарилди. Касаначилик соҳасини ривожлантирилиши сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш босқичидаги янги кадам бўлди. Чунки бу соҳани ривожланиши туфайли ҳам янги имкониятлар юзага келди.

Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар маҳаллий бошқарув идоралари томонидан яратилмоқда. Бу борада бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бу чора-тадбирлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилгандир.

Бу тадбирлар рақобатнинг ривожланишига, иқтисодийнинг зиёнлилигини бартараф қилишга, истеъмол бозорини мол билан тўлдиришга, Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга, бандлик муаммоларини ҳал қилишга ёрдам берувчи иқтисодий ислохотнинг муҳим йўналишлари бўлиб қолиши лозим.

Наманган вилоятида кичик ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари қуйидаги шаклларда амалга оширилмоқда:

- қонуний-ҳуқуқий таъминот;
- ташкилий таъминот;
- тадбиркорликни ривожлантириш учун моддий-техникавий шароит яратиш;
- молиявий-кредит таъминот;
- тадбиркорликни суғурта билан таъминлаш;
- тадбиркорлик шубҳаси фаолиятини қўллаб – қувватлаш;
- ахборот-маслаҳат таъминоти.

Ҳозирги кунга келиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимида ҳам ҳал этилиши лозим бўлган масалалар мавжуд. Бу эса тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни ташкилий жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг марказий ва маҳаллий органлари ўртасидаги ваколатларни аниқ белгилаб олишдан иборат. Марказий бошқариш органлари кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил қилиш билан шуғулланади, маҳаллий ижор органлари эса ўз ҳудудларида регионал (муниципал) дастурларни ишлаб чиқади. Наманган вилоятида ҳам бу каби чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса касаначилик асосида иш ўринлари яратиш топшириғи Наманган шаҳри ва барча туманлардаги корхоналарда тўлалигича бажарилди.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар томонидан 627,9 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112,9 фоизга ўсди. Йирик саноат корхоналарининг умумий ишлаб чиқаришдаги салмоғи 59,4 фоизни ташкил этиб, қолган қисми кичик (18,3%) микрофирмалар (6,6%) уй хўжалиги ва яқка тартибдаги хусусий тадбиркорлар ҳиссаси (12,5%)га тўғри келди.

Ҳозирги кунга келиб, 2 та корхона (*Наманган шаҳридаги “Намдревпром” МЧЖ ва Уйчи туманидаги “Наманган темир бетон буюмлари заводи” МЧЖ қошидаги кичик ишлаб чиқариш цези*) геология қидирув ишлари олиб бориш бўйича лицензия олиш учун хужжатлар тўплами тайёрламоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга эътибор кучайтирилди. 2011 йилнинг январ-декабр ойларида кичик бизнес субъектларига 168507,4 млн.сўмлик кредитлар берилди. Бу кредитлардан мақсадли фойдаланишга ўтилди. Давлатга қарашли ва нодавлат мулкларни «Ким ошди» ва танлов савдоларида сотишни йўлга қўйилди.

Фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилишлари учун яқка тартибда уй-жой қуришга ва шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш учун ер майдонларини «Ким ошди» савдоларида сотиш бўйича белгиланган дастурларни бажарилиши таъминланди.

**2012 йил 1 январ ҳолатига корхоналарнинг ягона давлат регистридаги  
юридик мақомига эга бўлган кичик тадбиркорлик (бизнес)  
субъектларининг тармоқлар бўйича демографияси  
(юридик мақомдаги дехқон ва фермер хўжаликларисиз)<sup>1</sup>**

(бирлик)

	Хисобот охирига рўйхатдан ўтганлар	Хисобот охирига фаолият кўрсата- ётганлар	Фаолият кўрсат- маётганлар	Янги рўйхатга олинган	Рўйхатдан чиқарилган
Саноат	2678	2089	589	591	145
Кишлоқ хўжалиги	1293	1070	223	219	68
Ўрмон хўжалиги	2	2			
Транспорт ва алоқа	544	453	91	136	27
Курилиш	1423	1072	351	115	87
Улгуржи савдо	1021	517	504	19	105
Савдо ва умумий овқатланиш	4724	3684	1040	608	284
Моддий техника таъминоти	10	6	4	1	1
Тайёрлов	71	52	19	8	0
Ахборот хисоблаш маркази	114	96	18	29	2
Кўчмас мулк амалиёти	158	145	13	7	5
Умумий тижорат амалиёти	652	547	105	200	16
Геология кидирув	5	5	0	0	0
Моддий ич-нинг бошқа турлари	82	74	8	7	3
Уй-жой коммунал турлари	142	126	16	16	4
Маиший хизматлар	216	161	55	23	14
Соғлиқни сақлаш	557	485	72	48	11
Ҳалқ таълими	247	217	30	27	7
Маданият	100	70	30	22	3
Фан	30	19	11	2	0
Молия	30	21	9	5	0
Бошқарув	6	6	0	0	0
Жамоа бирлашмалар	0	0	0	0	0
<b>Жами</b>	<b>14105</b>	<b>10917</b>	<b>3188</b>	<b>2083</b>	<b>782</b>

<sup>1</sup> Жадвал муаллиф томонидан Наманган вилояти статистика бошқармаси томонидан олинган маълумотлар асосида тузилган.

Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусуси тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган дастур доирасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Дастурнинг янги иш ўринлари яратиш топшириғига мувофиқ 2011 йилда жами 71778 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланган бўлиб, 2011 йил якуни билан 72417 та янги иш ўринлари яратилди (100,9 %). Иш жойларининг 58240 таси (80,4%) қишлоқ жойларда яратилди.

Жумладан, кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобига 22843 та, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳисобига 5440 та, хусусий тадбиркорликни ташкил этиш ҳисобига 9467 та, фермер хўжалиқларини ривожлантириш ҳисобига 3024 та, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ҳисобига 4512 та, ишлагандан турган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига 465 та янги иш ўрни яратилди.

Худудий дастурга асосан 2011 йил давомида 60 та ишлаб чиқариш объектлари ишга тушириш белгиланган бўлиб, амалда 128 та йирик ва кичик ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилган ёки йиллик режа 2,1 мартага бажарилди. (Жумладан: Наманган шаҳрида 23 та, Мингбулоқ 4 та, Косонсой 13 та, Наманган 15 та, Норин 3 та, Поп 15 та, Тўрақўрғон 6 та, Уйчи 7 та, Учқўрғон 4 та, Чортоқ 11 та, Чуст 10 та ва Янгиқўрғон 11 та). Ушбу объектларга жами 53,4 млрд. сўм маблағлар сарфланган, йилига 125,2 млрд.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилиб, яқин 1987 нафар янги иш ўринлари яратилган.

2.9-жадвал

**Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тижорат банклари томонидан берилган кредитлар<sup>1</sup>**

	Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тижорат банклари томонидан берилган кредитлар, млн. сўм		Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъект-ларига қайта молиялаштирилган ҳолда берилган эркин муомаладаги валюта (СКВ) кредитлари.	
	2010 йил январ-декабр	2011 йил январ-декабр	2010 йил январ-декабр (минг АҚШ дол.)	2011 йил январ-декабр (минг АҚШ дол.)
Мингбулоқ	4252,7	6471,8		
Косонсой	4589,5	6652,9		
Наманган	4722,6	7491,0		
Норин	3678,7	6470,0		
Поп	5498,2	8461,6		
Тўрақўрғон	4397,6	7630,0		
Уйчи	5195,4	8693,6		
Учқўрғон	5886,9	8838,0		
Чортоқ	5303,3	8370,0		
Чуст	5738,1	8781,0		
Янгиқўрғон	4381,0	7496,0		
Наманган ш.	58585,2	83151,5	676,0	953,0
<b>Жами</b>	<b>112229,2</b>	<b>168507,4</b>	<b>676,0</b>	<b>953,0</b>

<sup>1</sup> Жадвал муаллиф томонидан Наманган вилояти статистика бошқармаси томонидан олинган маълумотлар асосида тузилган.

### 2.3. Наманган вилоятида бизнес сектор фаолиятини молиялаштиришда юзага келган ҳудудий муаммолар

Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришда амалий чора-тадбирлар кўриб бориш билан бирга айрим жузъий муаммолар келиб чиқмоқда. Олиб борган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг банклар билан ишлаш жараёнида қуйидагича муаммолар келиб чиқмоқда:

- нақд пул маблағларини олишдаги қийинчиликлар;
- тўлов мажбуриятларининг секин бажарилиши;
- кредит олишдаги қийинчиликлар;
- малакали маслаҳатлар ва зарур ахборотларнинг етарли эмаслиги.

Кредитларни олиш ва қайтаришда эса қуйидагича асосий қийинчиликлар юзага келган:

- кредит таъминотида юқори талабларнинг мавжудлиги;
- маблағлардан фойдаланиш жараёнида банклар томонидан ўрнатилган назоратнинг қаттиқлиги ва хилма-хил ҳужжатлар талаб қилиниши;
- бизнес-режа тузишдаги қийинчиликлар ва қийматининг юқорилиги.

Бугунги кунда «банк тизимини тубдан мустаҳкамлаш, бу соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, банкларнинг кредит бериш имкониятларини ва устав капиталини бўш маблағлар жалб қилиш ҳисобидан кенгайтириш талаб этилади»<sup>1</sup>, – деб таъкидлайди И. А. Каримов Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ, биринчи сессиясидаги нутқида.

Юқоридаги фикрларимизда (2.-жадвалга қаранг) кўшма корхоналар фаолияти ҳам мавжуд эканлигини қайд этган эдик. Аммо уларнинг сони сезиларли ошмаяпти. Бугунги кунда кўшма корхоналарнинг салмоғини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни ҳам кўриш даври ҳам келди. Масалан, кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига қайта молиялаштирилган ҳолда берилган эркин муомаладаги валюта (СКВ) кредитлари 2011 йил ҳолатида 953,0 минг АҚШ долларига тенг бўлиб, бу фақат Наманган шаҳрига тегишли маълумотдир. Демокчимизки, туманлар кесимида бундай кредитлар амалга оширилмади.

Тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида нақд пулсиз тўловлардан фойдаланиш каби муҳим омил амалда ўз таъсирини суст даражада кўрсатяпти. Банк томонидан амалга оширилаётган тўловларнинг асосиз тўхтатиб қўйиш ҳоллари кўп тадбиркорларнинг бизнесига салбий таъсир қилмоқда. Масалан, Наманган вилоятидаги «Нодирбек», «Беш фарз» хусусий савдо корхоналарининг 57 минг сўмлик пули ўтказилганлик тўғрисидаги далолатнома 6–7 кун давомида асосиз тўхтатиб қўйилган. Наманган шаҳридаги «Ўзсанкурбанк» бўлими томонидан тегишли кичик ва хусусий корхоналар номига келган пул маблағлари, асосиз 4–7 кунлар давомида уларнинг ҳисоб рақамларига туширилмаган.

Эътиборлиси шундаки, банк операцияларининг бажарилишида ҳам муайян даражадаги муаммолар шаклланган. Масалан, 2011 йилда кичик бизнес субъектлари ўз ҳисоб рақамидан нақд пул олишларидаги ўртача муддатлар турлича иш кунида берилганлиги 2.3.1-чизмада келтирилган.

Қайд этиш керакки, кредит олганлар ва омонатчилар манфаатларини ҳимоя қилиш тижорат банкларининг асосий вазифаларидан бўлиб, бундай банкларнинг бозор муносабатларидаги фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш муҳимдир. Акс ҳолда банк тизимига ишончнинг йўқолиши туфайли Россия иқтисодиётидаги каби сўнгги воқеаларга ўхшаш салбий жараёнлар авж олиши мумкин. Бу эса товарларнинг анча

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиздир. Т. 8. –Т.: Ўзбекистон, 2000. 337-бет.

қимматлашиб кетишига ва бозор мувозанатининг бузилишига, инфляциянинг кескин кучайиб кетишига олиб келади.

2.9-жадвал

### Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тижорат банклари томонидан берилган кредитлар<sup>1</sup>

Худудлар	Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига қайта молиялаштирилган ҳолда берилган эркин муомаладаги валюта (СКВ) кредитлари.	
	2010 йил январ-декабр (минг АҚШ дол.)	2011 йил январ-декабр (минг АҚШ дол.)
Мингбулоқ		
Косонсой		
Наманган		
Норин		
Поп		
Тўрақўрғон		
Уйчи		
Учқўрғон		
Чортоқ		
Чуст		
Янгиқўрғон		
Наманган ш.	676,0	953,0
<b>Жами</b>	<b>676,0</b>	<b>953,0</b>

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида банк кредитлари берилишида қарзнинг қайтарилишини таъминлаш бўйича талабларнинг юқорилиги ҳам ўзига хос қийинчиликни туғдиради. Бундан ташқари кредит йўналтирилаётган лойиҳа суммасининг 25%и хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маблағларидан таъминланиши керак. Кўриниб турибдики, кредитларни расмийлаштириш ва бериш бўйича меъёрий талабларнинг юқорилиги туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истикболлари бир мунча мураккаблашмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун «...микрокредитлар ажратишга худди катта инвестиция лойиҳаларига берилаётган кредитларга хос қаттиқ талаблар қўйилмоқда»<sup>2</sup>. Шу нуқтаи назардан 1999 йилда ўтказилган тадқиқотлар натижасида респондентлардан олинган жавоблардан маълум бўлдики, уларнинг аксарияти (70,4%и) бизнесни юритиш ва ўз корхоналарини ташкил этишда дастлабки молиявий ресурсларни ўзларининг капиталлари ва ўз таваккалчилиги асосида амалга оширганлар. 2003 йил сўровнома маълумотларида эса уларнинг улуши 53,0%ни ташкил этиб, 1999 йилдаги тадқиқот натижаларига нисбатан олганда 17,4 пунктга камайганлигини кўрсатди. 2007 йилдаги сўровнома маълумотларида эса бундай жавоблар салмоғи 43,1 %га тенг келиб, аввалги йиллардаги сўровномаларга нисбатан камайиш тенденциясини олган


<sup>1</sup> Жадвал муаллиф томонидан Наманган вилояти статистика бошқармаси томонидан олинган маълумотлар асосида тузилган.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш энг муҳим вазифамиз. / Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиздир. Т. 8. –Т.: Ўзбекистон, 2000. 391-бет.

бўлса-да, бу жавоб тури бошқа турдаги жавоблар салмоғига нисбатан устиворликни сақлаб қолган. (2.10-жадвал).

2.3.1-чизма

**Корхоналарнинг ўз ҳисоб рақамларидан нақд пулларини олишларидаги ўртача муддатлар<sup>1</sup>**  
(маълумот 2011 йил ҳолатига тўғри)



Олиб борган илмий тадқиқотларимиз, банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар муайян даражада самара берганлигини ҳам инкор этмайди. Аниқроғи, 2003 йилга келиб, респондентларнинг 32,6%и ўз бизнесини ташкил этишда банк кредитларидан фойдаланганлар. Бу эса 1999 йилдаги ҳолатга нисбатан 2,3 мартага ошганлигини кўрсатди. 2007 йилдаги ижтимоий сўровнома маълумотларида худди шу кўрсаткич 39,4%ни ташкил этиб, 1999 йилдаги ҳолатдан 25,2 пунктга кўтарилган. Агар 2011 йилдаги олиб борган кузатишларимизни таҳлил этадиган бўлсак, вазият янада ижобийлашганлигини кўриш мумкин. Чунки 2011 йилда банкдан олинган кредит асосидаги молиявий манбаларни тасдиқлаган жавоблар салмоғи 2007 йилдаги кузатишларга солиштирганда 0,8 пунктга ошган. Шу билан бирга хусусий шахслар ва қариндош-уруғлар томонидан кўрсатилган молиявий таъминотда ҳам сезиларли бўлмаса-да, кўпайиш томонга силжиш мавжуд.

Фикримизча, молиявий ташкилотлар томонидан кредитлар тобора кўп ажратилиб, «ижобий силжишлар кўзга ташланаётган бўлса-да кредитлар бериш жараёнини соддалаштириш масаласи ҳамон долзарблигича<sup>2</sup> қолмоқда. Умуман олганда Республиканинг банк тизимидаги кредитларни бошқаришда талай қуйидагича камчиликлар мавжуд:

– кредит берилишидаги тартиб-қоидалар ўта мураккаблиги, қарз олувчиларга нисбатан қўйилаётган молиявий мазмундаги талаблар тадбиркорларнинг реал имкониятлари даражасига мос эмаслиги;

– соҳани кредитлашда таҳлилий тадбирларнинг заифлиги;

– кредитлаш жараёнида мониторинг етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги;

– кредит портфели таркибига нисбатан давлат томонидан аниқ талаблар қўйилмаганлиги;

2.10-жадвал

<sup>1</sup> Муаллифнинг битирув амалиётидаги кузатишларига асосан тузилган.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш – таракқиёт гарови. / Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. –Т.: Ўзбекистон, 2001. 419-бет.

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ташкил этишдаги дастлабки молиявий манбалар салмоғи<sup>1</sup>**

(фоизларда)

Бизнесни ташкил этишда олинган молиявий ресурслар	Сўровнома ўтказилган йилларда, сўралганларга нисбатан % ҳисобида				2003 йилнинг 1999 йилга фарқи (-; Қ)	2007 йилнинг 1999 йилга фарқи (-; Қ)	2011 йилнинг 1999 йилга фарқи (-; Қ)
	1999 й.	2003 й.	2007 й.	2011 й.			
Ўз капитали	70,4	53,0	43,1	45,3	-17,4	-27,3	-25,1
Банқдан олинган кредит	14,2	32,6	39,4	40,2	Қ18,4	Қ25,2	Қ26
Фондлардан олинган маблағлар	14,2	5,0	6,2	6,3	-9,2	-8,0	-7,9
Хусусий шахслардан (танишлардан)	5,7	6,1	6,8	5,0	Қ0,4	Қ1,1	-0,7
Қариндош-уруғлардан	2,8	3,3	4,5	3,2	Қ0,5	Қ1,7	Қ0,4

– кредитлаш марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган тартибининг барқарор эмаслиги.

Бундай камчиликлар ўз таъсирини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига ўтказиб, уларни иқтисодий жиҳатдан тартибга солишни мушкуллаштиради.

«Мазкур банклар уларнинг олдида турган энг муҳим ва долзарб вазифа – ишбилармон ва тадбиркорларга, авваламбор, манфаатдор шерик ва ҳамкор бўлиш вазифасини ечишдан ҳали-бери олис ва ожиздир»<sup>2</sup>. Кичик ва хусусий корхоналарнинг кредит олиш тартиблари мураккаблиги оқибатида хорижий кредит ресурсларидан фойдаланишдаги тўсиқлар ҳам йўқ эмас. Халқаро банклар (масалан ЕТТБ, ОТБ) томонидан очилган кредит йўналишлари бўйича тадбиркорлик субъектлари орасида танлов ўтказиш асосида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш механизми жорий этилмаган. Бу ҳақида Президент ўз нутқларида ҳам қайд этган<sup>3</sup>.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг молиявий муаммолари жойларда иқтисодий тартибга солишнинг сусткашлик билан амалга оширилаётганлиги туфайли келиб чиқаётгани тасдиқланмоқда. Бу эса бизнесменларнинг даромадлари ортишига жиддий салбий таъсир кўрсатяпти. Хусусан, 2003 йилда ўтказилган илмий тадқиқотлар натижаларига таянадиган бўлсак, 35,3% респондентлар ўзларидаги молиявий муаммоларни тўлов жараёнларининг секин бориши билан изоҳласалар, 10,0% –

<sup>1</sup> Жадвал муаллиф томонидан ижтимоий тадқиқотлар натижалари асосида ҳисоблаб тузилган. Бунда 1999 йилдаги сўровнома натижаларида бир респондент томонидан берилган жавоб икки хил кўринишда бўлганлиги учун уларни ҳисоблашда 100 фоиздан ошиб кетган.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Тадбиркорлик – юқсалиш гарови. / Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т.: Ўзбекистон, 2001. 51-бет.

<sup>3</sup> Қаранг: Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. –Т.: Ўзбекистон, 2001. 265–266-бетлар.

кредитларни ўз вақтида ололмаётганликларини, 33,7% – сотилган товарларнинг ҳақи вақтида ҳисоб варақага тушмаётганлигини ва 21,0% респондентлар ишлаб чиқариш харажатларининг ҳаддан ташқари кўплигини ўз жавобларида билдиришган.

Ушбу илмий тадқиқотлар натижасини хулосалаб, бизнинг таклифимиз шуки, вилоятлар бўйича кредит қўйилмалари тақсимотини мувофиқ белгилаш, яъни вилоятларда фаолият кўрсатаётган кичик ва хусусий корхоналарнинг кредит олишга бўлган талабларини атрофлича ўрганган ҳолда кредит қўйилмаларининг тақсимотини амалга ошириш лозим.

Умуман, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тижорат банклари, турли хил фондлар, бозор тузилмалари ва йирик корхоналар билан иқтисодий алоқаларини амалда мустаҳкамлаш, уларни ҳақиқий шерикчилик муносабатларига айлантириш бугунги куннинг долзарб мавзусига айланган.

### **3-боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитларида кичик тадбиркорликни молиялаштиришни янада такомиллаштириш йўналишлари**

#### **3.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий таъминлашда давлат сиёсатининг ўрни**

Маълумки, давлат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди, эркин рақобат учун шарт-шароит яратади, моддий, молиявий, меҳнатга оид ва бошқа ресурслардан фойдаланишда тенг имкониятларни таъминлайди. Давлат органлари ва бошқа органларнинг, улардаги мансабдор шахслар ва ходимларнинг, меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди.

«Банкларнинг капиталлашув даражаси ва банк ликвидлигининг оширилиши пировардида уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратади. Шу билан бирга, кенг қўламли ислохотларни амалга оширишда банкларнинг инвестиция кредитлари орқали иштирокини таъминлашнинг фаоллашгани барқарор ресурс базасини шакллантиради»<sup>1</sup>.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик масалаларига оид, ҳамма учун мажбурий бўлган меъёрий ҳужжатлари тегишлича Адлия вазирлигида, унинг маҳаллий органларида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши, давлат рўйхатига олиниши зарур, бу ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг хизмат ёки тижорат сири бўлган ахборотларнинг ҳимоя қилиниши кафолатланади.

Давлат органлари ёки бошқа органларнинг ҳамда улардаги мансабдор шахсларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини бузувчи хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан суд тартибда шикоят қилиниши ҳам мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, давлат органлари ёки бошқа органларнинг ёхуд улардаги мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектига етказилган зарар, бой берилган фойдани қўшган ҳолда, шу органлар томонидан қонуний равишда қопланади. Зарарни қоплаш тўғрисидаги низоларни фақат суд органлари томонидан белгиланган тартибда ҳал этилади.

Давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мол-мулки олиб қўйилишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар ва тартибда олиб қўйиш бундан мустаснодир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш, ривожлантириш жараёнларини тартибга солиш ва рағбатлантириш давлат томонидан норматив-ҳуқуқий негизни такомиллаштириш, инфраструктурани шакллантириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун шарт-шароит яратиш асосида иқтисодий таъсир кўрсатиш йўли билан амалга оширилади.

Бу борада маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича имтиёзлар белгилайди;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқади;

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «2012 йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, НМИУ, 2012. 19 бет.

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлайдилар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг давлат ҳамда ҳудудий дастурларига мувофиқ амалга оширилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг давлат ва ҳудудий дастурлари бозор инфраструктурасини вужудга келтиришни, қулай тадбиркорлик муҳитини шакллантиришни ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни иқтисодий рағбатлантириш тадбирларини ўз ичига олади.

Дастурларни молиявий таъминлаш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фондлари, халқаро дастурлар бўйича, хусусий ва бошқа манбалардан жалб этилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фондлари томонидан ажратилган маблағлар қуйидаги мақсадлар учун берилди:

- кредитлар, шу жумладан имтиёзли кредитлар бериш асосида инвестиция лойиҳаларини молиявий таъминлаш;

- устав сармоясида иштирок этиш;

- маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатиш шаклида техник жиҳатдан кўмаклашиш;

- инфраструктурани ривожлантиришга кўмаклашиш;

- олинаётган кредитлар учун кафолатлар, мажбуриятлар ва кафилликлар бериш йўли ҳамда қўллаб-қувватлашнинг бошқа шакллари билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришни рағбатлантириш учун ҳосил қилинади.

Қишлоқ жойлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини, шунингдек рақобатбардош ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва шундай хизматлар кўрсатиш юзасидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини барпо этиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг устувор йўналишлари бўлиб ҳисобланади.

Кичик бизнес корхоналарини барпо этишда давлат тасарруфидан чиқарилаётган ва хусусийлаштирилаётган асосий фондлар қийматининг имтиёзли индексацияси қўлланилади.

Қишлоқ жойлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иморатни ижарага олиш ёки сотиб олишда, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда сотиб олишда бринчи навбат ҳуқуқига эгадирлар.

Давлат бошқарув органлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари замонавий ускуна ва технологиялар олишга, технопарклар, лизинг корхоналари, бизнес инкубаторлар, ишлаб чиқариш-технология марказлари ва инфраструктуранинг бошқа объектлари тармоғини барпо этишга ёрдам бериш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлайдилар, ихтисослашган улгуржи бозорлар, ярмаркалар барпо этиш ва ташкил этишда ёрдамлашадилар.

Давлат бошқарув органлари маҳсулотлар харид этиш ва етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш учун шартномаларни тузиш вақтида буюртмаларни танлов асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тақсимлаб беришлари ҳам мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз маҳсулотлари ва хизматларини, мавжуд талаб-эҳтиёжлардан келиб чиқиб эркин баҳоларда реализация қиладилар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан, шу жумладан қишлоқ жойларда фаолият олиб бораётган ёки рақобатбардош ва экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун бирмунча ноқулайроқ шароитларни юзага келтирадиган ўзгартишлар

киритилган тақдирда, мазкур субъектлардан кейинги 2 йил давомида улар давлат рўйхатидан ўтган пайтдан амалга бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ ундирилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқариш чикимларига мўлжалланган харажатларга киритиб, асосий ишлаб чиқариш фондларининг тезлаштирилган амортизациясини тегишли асосий фондлар учун белгиланган меъёрдан 2 мартадан кўпроқ ошиб кетмайдиган миқдорда қўлланишга ҳақлидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари 3 йилдан кўпроқ муддат давомида ишлатилиб, амортизация ажратмалари ажратиб келинган асосий фондлар дастлабки қийматининг 50 фоизига қадарини ҳисобдан чиқаришга ҳақлидирлар.

Кичик ёки хусусий корхона ишга тушган пайтдан эътиборан 2 йил ўтгунга қадар ўз фаолиятини тугатган тақдирда кўшимча равишда ҳисоблаб чиқарилган (тезлаштирилган) амортизация суммаси кичик ёки хусусий корхонанинг баланс фойдаси кўпайиши ҳисобига қайтарилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар бериш махсус фондларнинг ихтисослаштирилган агентликлари томонидан суғурта полиси асосида амалга оширадilar.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига имтиёзли кредитларни бериш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қўллаб-қувватлаш муассасалари томонидан амалга оширилади. Республика Давлат мулк кўмитаси ушбу мақсад учун хусусийлаштириш ва давлат тасаруфидан чиқаришдан тушган тушумлар ҳисобидан 50 фоиз маблағларни кичик бизнесни қўллаб қувватловчи давлат жамғармаларига ўтказди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни суғурталаш бўйича ҳимоя қилишни барча турдаги суғурта агентликлари ва бошқа махсус агентликларнинг тавсияномаларига асосан имтиёзли кредитларни ажратади. Мазкур ихтисослашган суғурта агентликлари тадбиркорлик таваккалчиликларидан ҳамда кредитлар қопланмаганлиги учун қарздорни жавобгарликдан имтиёзли шартларда суғурта йўли билан ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

Тижорат банклари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига зарар етказганлиги учун, шу жумладан бой берилган фойда тарзида зарар етказганлиги учун меъерий (қонун) ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Тижорат банклари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банкдаги ўз ҳисоб варақаларидан ўз маблағларини олишни рад этишга ҳақли эмаслар.

Бозор иқтисодиёти турли мулк шакилларига, кўп укладли иқтисодиётга асосланади. Шу боисдан Ўзбекистонда мулкни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг иқтисодий жараёнлари олиб борилаётган ислохотларда аниқ намоён бўлмоқда.

Давлат мулкни хусусийлаштириш мулкдорлар синфини келтириб чиқаради. «Хар бир шахс мулкдор бўлишига ҳақли дейилади» Ўзбекистон Республикаси асосий қонунда<sup>2</sup>.

Ўзбекистонда мулкчилик ҳуқуқи иқтисодий ўзгаришларни асосидир. Республикада мулкдор ҳуқуқи қонун билан тан олинган ва ҳимоя қилинади. Мулкчилик давлат ва нодавлат мулкка, хусусий, жамоа (ширкат) бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотларга қарши жисмоний ва юридик шахслар мулки, ҳамда мулкчиликнинг аралаш шакли киради.

Демак хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини давлат кафолатлайди, эркин ва халол рақобат учун шароит яратади.

Биз «Монополия фаолиятини чеклаш тўғрисида» қонун қабул қилганмиз, лекин у амалда тўла тўқис иш бераётгани йўқ. Шунинг учун монополияга қарши қонунни кучайтириш керак, табиий монополиялар тўғрисида қонунни ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни кенгайтиришимиз керак.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2009. 36 модда.

Мулкдорлар синфини шакиллантириш масаласини тубдан хал этиш учун хусусий мулчилик ва куп укладли иқтисодиётни ривожлантиришимиз ва барпо этишимиз лозим. Бунинг учун қишлоқда пайчилик муносабатлари орқали фермер ва дехкон хўжалиklarини ривожлантириш ва эгалик туйғусини қайта тиклашимиз керак. эркин тадбиркорлик учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт шароитлар яратиш зарур. Бунинг учун, макро ва микро кредит олиш йулида мавжуд тусикларни олиб ташлаш керак. Якин икки уч йил ичида кичик ва хусусий корхоналар сонини икки баробар кўпайтириш ва ялпи миллий маҳсулотда уларнинг улушини камида 45% етказиш вазифаси турибди.

### **3.2. Кичик бизнес ва хусусийтадбиркорликни молиялаштиришда банк тизимидаги ислохотларни кенгайтириш йўналишлари**

Ҳозирги даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини жадаллаштиришдаги асосий масалалардан бири уларни молиялаштиришдир. Бозор иқтисодиёти шароитида бу масаланинг муҳимлиги банк тизимининг иқтисодиётдаги беқиёс ўрнини белгилаб беради. Бу борада Республика Президентининг ҳам “Иқтисодиётни ислох қилишда банклар локомотив ролини ўйнаши лозим” эканлигини бежиз таъкидламаган. Зеро, эндиликда республикаимиз Марказий банки ҳам “Марказий банк тўғрисида” ва “Банклар ва банклар фаолияти тўғрисида”ги Қонунлар асосида фаолият юритмоқда ва банк тизимининг етакчи бўғинига айланмоқда.

Истиқлолнинг ўтган 19 йили Ўзбекистон учун ўзига хос ўзгаришлар даври бўлди. Ушбу даврда мамлакатимизда кўп укладли бозор иқтисодиётини шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Бу борада мустақкам ва барқарор банк секторини шакллантиришга алоҳида эътибор берилди. Мустақиллик йиллари мамлакатимиз банк сектори учун монобанк тизимидан янги, бозор иқтисодиёти талабларига мос, замонавий банк секторини, универсал банклар тизимини шакллантириш даври бўлди.

Ўзбекистонда замонавий банк тизимини яратиш босқичма-босқич амалга оширилди. Ўзбекистон банк соҳасини эркинлаштириш жараёнини сунъий равишда жадаллаштиришга уринмади, аксинча, асосий эътиборни ўтказилаётган ислохотларнинг сифати ва уларнинг ўз вақтида амалга оширилишига қаратди.

XXI аср бошида Ўзбекистон барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эриша бориб, бу тараққиёт жараёнида иқтисодиётнинг қон томири бўлган банк тизими ҳам туб иқтисодий-ҳуқуқий ўзгаришлар амалга оширилди. Чунки ҳозирги иқтисодиётнинг муҳим вазифалардан бири банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш ва ривожлантиришни янги босқичга кўтаришдан иборат, бунинг учун банк тизимидаги мавжуд қонун-қоидаларни қайтадан кўриб чиқиш ва такомиллаштириш зарурати вужудга келди.

Банк тизими ҳар қандай турдаги иқтисодиётнинг марказий тизимини ташкил қилувчи унсурлардан ҳисобланади. Банк тизими вақтинчалик бўш турган пул маблағларини аккумуляция қилиш функциясини амалга оширади. Банк тизимининг муваффақиятидан иқтисодиётни самарали фаолият кўрсатиши, умуман олганда мамлакатдаги иқтисодий ўсишга боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан банк-тижорат муассасаси бўлиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг бўш турган пул маблағларини жалб этиш ва уларни ўз номидан тўловлилик, муддатлилик, қайтариб бериш шарти асосида жойлаштириш операцияларини ва бошқа шунга ўхшаш операцияларни бажаради.

Тижорат банклари фаолиятини корхона фаолиятига шу жиҳатдан ўхшатиш мумкинки, тижорат банклари ҳам корхоналар сингари ўз фаолияти, даромадини кўпайтиришга ва шу асосда биринчидан, ўз асосчилари акциядорлар манфаатларини, иккинчидан, ўз мижозлари манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат.

Тижорат банклари банк тизимининг муҳим бўғини ҳисобланади ва кредит ресурсларининг асосий қисми шу банкларда йиғилади ва бу банклар юридик ва жисмоний шахсларга ўз хизматларини кўрсатади. Тижорат банклари яна қимматли қоғозлар ишлаб чиқариш ва жойлаштириш билан шуғулланиши мумкин.

Банклар иқтисодий аҳволни назорат қила туриб, мижозларга турли ахборотлар, маслаҳатлар бериши мумкин. Ниҳоятда катта сармоёга эга бўлган тижорат банклари йирик инвестор сифатида чиқишлари, яъни умуман халқ хўжалиги ривожига бевосита таъсир кўрсатишлари эҳтимол туғилган таркибий қайта қуриш ишларига аралаштиришлари ва ҳатто иқтисодиёт шуъбаларининг истиқболларини белгилашлари мумкин.

Мулкни бошқариш ва сармоё ҳосил қилишнинг катта миқёсдаги акциядорлик – ҳуқуқий шакли мақомини тижорат банклари олар экан, молия бозорларига жиддий таъсир кўрсатиши кўплаб ходимлар шуъба фирма ва корхоналар ташкил этиш, шунингдек қатнашувчининг турли шакллари ривожлантириш асосида ўз фаолиятини анча деверсификациялаши мумкин бўлади.

Бугунги кунда, аҳолига тақдим этилаётган банк хизматлари бозори кенгайиб бормоқда. Шунга қарамадан, кредит муассасаларининг мавқеи, уларнинг тобора мустақамланиб бораётган ишончилиги-муваффақият мезони. Ҳозирда бозордаги мавжуд вазият тобора ўзгариб бораётган бир шароитда банк маҳсулоти мижоз учун жозибадор, ҳамда мижоз талабига хос бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси банклари валюта операциялари бўйича ҳам операциялар олиб бормоқдалар. Ваколатли банклар томонидан ҳозирги валюта бойликларига бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларнинг ўзга шахсга ўтиши, ҳамда валюта бойликларини тўлов воситаси сифатида ишлатиш билан боғлиқ операциялар, халқаро пул жўнатмаларини амалга ошириш, резидент ва нозеридентлар ўртасида миллий валютадаги операциялар, капитал ҳаракати билан боғлиқ операциялар, валюта бойликларини Ўзбекистондан олиб чиқиш ва жўнатиш, Ўзбекистон Республикасига валюта бойликларини олиб кириш ва жўнатиш каби операциялар амалга оширилмоқда.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, иқтисодий тараққиёт жараёни қимматли қоғозлар бозорида банкдан ташқари молия институтлари қатнашуви улушининг ортиб боришига олиб келмоқда, бунинг натижасида тижорат банклари улуши камайиб бормоқда (қимматли қоғозлар бозори субъектлари ўртасида рақобатчилик мавжуд бўлган вақтда).

Факторинг ва лизинг хизматлари каби банк хизматларининг янги турлари ўзлаштирилмоқда. Аккредитивлар бўйича хизматлар пластик карточкалар ёрдамида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш, омонатлар эътиборини тортадиган янги турларни жорий этиш ва бошқа хизматлар яхши йўлга қўйилмоқда”.

Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш доирасида тижорат банклари томонидан пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда, электрон ҳисоб-китоб қилиш тизими кенгайтирилди. Шу муносабат билан, тижорат банклари томонидан савдо терминаллари молиявий лизинг йўли билан тақдим этиш тизимини ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки савдо субъектлари муайян қисмининг молиявий аҳволи савдо терминаллари сотиб олиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришга имкон яратади. Жами активлар ўсиши, асосан, тижорат банклари кредит қўйилмаларининг кўпайиши натижаси ҳисобланади.

Кичик бизнесни ривожлантиришда, яъни кичик бизнес корхоналарини бошланғич даврда кредитларга бўлган эҳтиёжини қондиришда банкларга муқобил бўлган кредит уюшмалари ролини ошириб бориш, кредит бозорида рақобатнинг кучайишига олиб келади. Ўзбекистон Республикасининг “Кредит уюшмалари тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниб, кредит уюшмаларини ташкил этишга меъёрий-ҳуқуқий замин яратилгандан сўнг уларнинг сони йил сайин ошиб бормоқда.

2008 йилда ўтган йиллардаги каби банк соҳасидаги мини-банкларнинг иштироки ошаётганлиги ва уларнинг сони тобора кўпайиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Минибанклар қишлоқ жойлардаги аҳоли, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер

ҳўжаликларига банк хизматларини кўрсатишда, шу жумладан коммунал тўловларни ҳамда истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси бўйича тўловларни амалга оширишда кўшимча қулайликлар яратилишига қаратилмоқда. Бундан ташқари, тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар самарадорлиги ва уларнинг ликвидлик даражасини оширишга эришилмоқда.

Мазкур тадбирлар доирасида бугунги кунда республикада барча тижорат банклари фаолиятида ягона вакиллик ҳисобварағи тизими жорий этилган. Электрон тўлов тизимини такомиллаштиришга қаратилган банк телекоммуникация тармоғини ривожлантириш лойиҳасига доир ишларнинг якунланиши натижасида тижорат банкларида корпоратив тармоқлар ташкил этилиб, ҳисоб-китоблар тезкорлик билан амалга оширилмоқда<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида банк тизимининг ўрни алоҳидадир. Марказий банк мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ кичик бизнес субъектларига банк хизмати кўрсатишнинг, уларга банк кредитлари беришнинг соддалаштирилган тартиб-қоидаларини жорий этишни бошлаган эди. Марказий банк ўзининг бу борадаги сиёсатини такомиллаштириб, 2008 йилда кичик бизнес субъектларига тижорат банклари томонидан микрокредитлар ва кредитлар бериш тартиблари тўғрисидаги бир қатор Низомларини амалга киритди ва бунинг натижасида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига микрокредитлар ва кредитлар беришнинг соддалаштирилган меъёрий асоси вужудга келтирилди.

### **3.3. Кредит институтлари орқали кредит тизимини бошқариш ва фаолиятини кенгайтириш истиқболлари**

Кредит тизими ҳозирги замон иқтисодиётининг ўта муҳим ва ажралмас таркибий қисмдир. Кредит тизимининг ҳолати иқтисодий ривожланишга тўғридан - тўғри таъсир этади, шунингдек, иқтисодиётнинг юқори даражадаги ривожига эришиш ривожланган кредит тизимини барпо этишни тақозо этади.

Ҳозирги кунда ривожланиб бораётган бозор иқтисодиёти талабларига мос кредит тизимини шакллантириш мустақил Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти учун жуда катта аҳамият касб этади. Чунки, ривожланган кредит тизими ва унга монанд кредит механизмамлақатиктисодиймустақиллигини таъминлаш борасида энг зарур ва муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Кредит тизимининг республика иқтисодиётидаги бу қадар катта аҳамиятига қарамадан унинг ҳозирги ривожига қатор муаммолар мавжуд. Бу энг аввало, мавжуд кредит тизимининг ривожланиб бораётган бозор иқтисодиёти талабларига етарли жавоб бера олмай қолаётганлигида намоён бўлмоқда. Натижада кредит тизими ва пул ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги пасайиб кетмоқда.

Кредит тизимини такомиллаштириш - Ўзбекистонда давлат иқтисодий сиёсатининг бугунги кундаги устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Чунки кредит тизимининг такомиллашуви иқтисодиётнинг барча соҳасида ишчан фаолликни оширишга эришиш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳамда ўсишга тамон силжиш учун ўта муҳим асос бўлиши мумкин.

Кредит тизими объектив иқтисодий қонунлар таъсирида шаклланади. Бу қонунларни билиш ва улардан амалиётда тўғри фойдаланиш оқилона кредит тизимини шакллантиришда ўта муҳимдир.

Республикада мустақиллик йилларида кредит тизимида бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Бугунги кунда аввалгидан тубдан фарқ қиладиган янги банк тизими ҳамда янги мазмундаги маҳсул

---

<sup>1</sup> Манба: [www.press.uz](http://www.press.uz); ва [www.stat.uz](http://www.stat.uz) сайтлари.

кредит муассасалари шаклланди, замон талабига мос кредит механизмини шакллантириш буйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда

Бир пайтнинг ўзида кредит тизимининг бош ўзаги ҳисобланган, унинг ҳаракат қилиш тартиб – қоидаларини ўзида жамлаган кредит механизмини ташкил этилиши ҳамда унинг амалиётида жиддий муаммолар юзага келмоқда. Натижада кредит механизмининг ҳозирги даражаси ривожланиб бораётган иқтисодий ислоҳатлар талабларига жавоб бера олмай қолмоқда. Бу эса илгариги кредит механизмини бозор талабларига мос ҳолда такомиллаштиришни ёки янгисини яратишни тақозо этади.

Банклар Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққиёти даврида унинг кредит тизимини шаклланишида етакчи ролни ўйнайди. Чунки жаҳон иқтисодиётининг тараққиётида кредит тизими оддий банк фаолиятини ташкил этувчидан йирик молиявий капиталга, молия олигархиясига айланиб бориши кузатилади. Шу сабабли банклар фаолиятининг давлат идоралари фаолиятларига яқинлашиб бориш ходисаси кузатилмоқда. Айнан мана шу жиҳат банкларни кредит механизмининг бош таркибий қисми сифатида қарашга асос бўла олади, чунки банклар орқали давлат биринчи навбатда ўз кредит сиёсатини ўтказди, ижтимоий - иқтисодий муаммоларни ечишда банк - кредит тизимида фаол равишда фойдаланади.

Банклароро рақобатни ривожлантириш кредит тизими ислоҳининг муҳим йўналишидир. Келгусида ихтисослашган банкларни ўзаро қўшиб юбориб, хусусий банкларни кўпайишига янада кенгроқ имконият яратиш зарур.

Тижорат банкларининг нобанк кредит муассасалари билан кредит соҳасидаги ўзаро муносабатларини янги асосда қуриш керак. Республикада махсус кредит муассасалари маблағларни кредит йуллари асосида тижорат банклари томонидан берилиши бу муассасаларни ривожланган давлатлардаги каби банклар билан беллашувчи эмас, балки, уларга маълум даражада қарамга айлантириб қуйган. Улар мустақил равишда кредитлаш амалиётини бажара олмайди, балки маблағларни тижорат банкларига келишилган шартларда тақсимлаб беришади. Шу билан бирга тижорат банклари кредитнинг тақдирига бутунлай жавобгар булгани ҳолда, ундан келадиган фойдани яримини нобюджет фондига ўтказиб беришга мажбурдирлар. Бундай ҳолат кредит самарадорлигини кескин камайтиради.

Бозор талабларига жавоб берадиган кредит тизимини яратиш энг аввало нобанк кредит, махсус кредит муассасалари фаолиятини жаҳон стандартлари даражасига кўтаришни талаб этади. Яъни, тадбиркорликни нобанк кредит муассасалари орқали кредит билан таҳминлаш механизми қуйидаги йўналишларда такомиллаштирилиши лозим:

- банкдан ташқари кредит муассасаларининг кредитлаш соҳасидаги фаолиятларини мувафиқлаштирадиган, назорат қиладиган ҳамда тартибга солиб йўналтирадиган ягона муассаса ташкил этилиши лозим. Шундагина нобанк кредит тизими банкларга рақобатчи бўла олади;

- нобанк кредит муассасаларининг даромадлари ва мажбурий тўловларлари нисбати уларнинг ривожини рақобатлантирмаётганлигини ҳисобга олиб фискал сиёсатда кредит тизимининг бу бўғини учуналоҳида ёндашув тамойиллари ишлаб чиқиши керак.

Кредит муассасалари билан тижорат банклари эркин рақобат муҳитини яратиш зарур:

Кредит тизимида рақобат муҳитини янада кучайтириш мақсадида:

- кредит муассасаларининг сони камайишига қарамай, уларнинг ўзаро қўшилиб кетиши ва сингиб кетиши амалиётини рағбатлантириш;

- кредит муассасаларининг турли усулларда фаолият кўрсатувчи шакллари жорий этиш ривожлантириш;

- тижорат банкларининг кредит тизимида яқка ҳокимлик мавқеини бутун чоралар билан чеклаш;

- узоқ муддатли кредитлаш тажрибасининг қарор топиши учун етарли шароитлар яратиш;

- барча кредит муассасалари учун тенг ҳуқуқлилиқ тамойили асосида “ягона ўйин қоидаси” ни белгилаб қўйиш лозим.

Бугунги кунда иқтисодий ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан тижорат банкларининг самарали фаолият кўрсатиши билан белгиланади. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов: “Банк–молия тизимида олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш бўйича қуйидаги устивор вазифаларга эътибор қаратмоқчиман.

Сўнги йилларда банк тизимида муайян ижобий ўзгаришлар рўй берди – бугун жами банк капитали 1 трилиард сўмдан ошади ва у 2000 йилга нисбатан 7,4 марта ўсди, банк муассасалари тармоғи икки баробардан зиёд кўпайди...

Бугунги кунда банк тизимини ислох қилиш борасидаги энг муҳим вазифалардан – банкларни устав капиталини кўпайтириш, аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва сармоя киритиши мумкин бўлган инвесторлар, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг бўш маблағларини жалб қилиш учун акциялар чиқариш ва уларни фонд бозорларида жойлаштириш каби комплекс чораларни амалга оширишдан иборат бўлмоғи лозим”<sup>1</sup> эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда турли мулкчиликка асосланган тижорат банклари ва уларнинг филиаллари иқтисодиётнинг турли соҳаларига ва минтақаларига банк хизматларини кўрсатмоқда. Бундан ташқари мамлакатимизда хорижий сармоя иштирокидаги тижорат банклари ҳамда чет эл банкларининг филиаллари ва вақиллик идоралари фаолият кўрсатмоқда.

Тижорат банкларининг самарали фаолияти уларнинг молиявий фаолиятига бевосита боғлиқ бўлиб, уларни баҳолаш ҳам муҳим саналади. Маълумки, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мамлакатни модернизациялаш шароити даврида тижорат банклари зиммасига маъсулиятли вазифалар юкланади. Миллий иқтисодиётнинг ўзига хос молиявий таянчи бўлган банклар фаолиятини тартибга солиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Мамлакат ҳукуматининг устивор вазифа сифатида белгилаган хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва рақобат муҳитини шакллантиришда тижорат банкларининг ресурсларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз И.А.Каримов ҳам банк фаолиятида ишни шундай ташкил этиш керакки, мижозлар, тадбиркорлар банкларнинг ортидан эмас, аксинча, банкларбизнес вақиллари ва аҳоли орқасидан юрадиган бўлиши зарурлигини эътироф этиб ўтган. Бу ёрдамни замонавий ривожланган банк тизими орқали, ишлаб чиқариш корхоналарига фоиз ставкалари унча юқори бўлмаган кредитлар ажратиш йўли билан амалга ошириш мумкин.

Тижорат банкларнинг пул - кредит сиёсати соҳасидаги ишларини таҳлил қилиш натижасида шу нарса аниқ бўлдики, самарали пул - кредит сиёсатини ўтказиш ҳар бир банкнинг хусусиятлари, актив ва пасивлари таркиби ва бошқаларга боғлиқ. Тижорат банкларида пул - кредитни тартибга солиш, унинг макроиқтисодий барқарорлик ва банк учун мақбул воситаларини ўрнатиш учун қуйидагиларни чора - тадбирларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз:

1. Тижорат банклари учун Марказий банк белгилаган иқтисодий нормативларга тўлиқ риоя этган ҳолда қайта молиялаш ставкаларини иқтисодиётнинг барқарор ривожланаётгани ва инфляциянинг жуда ҳам пастлигини ҳисобга олиб пасайтириш ва йиллик ставкасини белгилаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Ушбу кўрсаткичнинг иқтисодиётни янада жонлантириш учун мақбул даражаси 16 - 18 фоиз.

2. Тижорат банклари томонидан нақд пул тушумини кўпайтириш, унинг бўш қолган қисмини муомалага киритиш чора - тадбирларини қайта ишлаб чиқиш. Нақд пулни

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. “Янгилаш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир” Т.: Халқ сўзи, 2007 йил 13 феврал

муомаладан захира кассага олишни кўпайтириш ва пул муомаласини барқарорлаштириш бўйича янада фаол иш олиб бориш.

3.Тижорат банклари ликвидлигини ошириш мақсадида кредит портфелини қайта кўриб чиқиш, берилаётган кредитлар рискинни камайтириш чора - тадбирларини ишлаб чиқиш, ҳар бир шубҳали кредит бўйича мансабдор шахслар ва мутахассисларнинг маъсулиятини ошириш.

4.Корхоналарга ўзаро ҳисоб - китобларни ўтказиш бўйича амалий ёрдам бериш, янги банк хизматларини кўрсатиш орқали даромадликни оширишга эришиш.

5.Аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилишни амалда кучайтириш йўли билан молиявий ресурслар базасини мустаҳкамлаш.

6.Аҳолига иш хақи ва шунга ўхшаш тўловларни пластик карточкалар ёрдамида амалга ошириш ишларини янада фаоллаштириш ва кенгайтириш.

Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш учун Марказий банк томонидан молия интизомини мустаҳкамлаш, кредит операциялари бўйича тавваккалчиликни пасайтириш салоҳиятли қарз олувчилар тўғрисида ахборот ресурсларини тўла шакллантиришга эътибор қаратилиши зарур, деб ҳисоблаймиз. Бу ўз навбатида тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган хизматларни такомиллаштиришга, қарз олувчиларнинг маълумот базасини шакллантириш орқали келгусида юзага келадиган кредит хатари олдини олишга ижобий таъсир кўрсатади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш, кенгайтириш ва рақобатбардошлигини ҳамда уларнинг самарали бизнес юритишини таъминлаш натижасида замонавий мустақил банк тизимининг шаклланишига, бу эса ўз навбатида, миллий иқтисодиётни янада ўсишига ва ривожланишига олиб келади.

## Хулоса

Бозор иқтисодиёти тизими тобора ривожланиб борар экан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг миқдор ва сифат жиҳатидан ошиб бораётганлигини алоҳида қайд этиш мумкин. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш борасида ҳам талайгина тадбирлар амалга оширилди ва бу жараёнлар давом этиб бормоқда.

2012 йилга қадар ушбу соҳада муайян тажрибалар орттирилди. Шу тажрибалар асосида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида бир нечта молиялаштириш тизими ишга туширилди.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш жараёнларини тартибга солиш ва рағбатлантириш жиддий амалга оширилмоқда. Улар учун хизмат кўрсатиш инфраструктурасини жорий этишни кенгайтириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун шарт-шароит яратишни кенг кўламда амалга оширилаётганлиги фикримиз далилидир.

Бу борада маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятлари учун маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича имтиёзлар белгилайди;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқади;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришнинг устувор йўналишларини аниқлайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг давлат ҳамда ҳудудий дастурларига мувофиқ амалга оширилади.

2012 йил учун прогноз қилинган макроиқтисодий шарт-шароитлар банк тизимининг барқарор ривожланишига замин яратади, банкларнинг фаоллиги ва умуман иқтисодиётнинг ривожланишига қўшадиган ҳиссаси ошади. Шу билан бирга, ўтган йиллардаги каби асосий эътибор банк тизими барқарорлигини таъминлашга ва уларнинг инвестицион жараёнлардаги фаоллигини янада кенгайтиришга қаратилади.

Бугунги кунда банкларни энг кўп ташвишга солаётган муаммоли кредит қўйилмалари бўлиб, кичик бизнес субъектларига ажратилган кредит қўйилмалари ҳисобланади. Кичик бизнес субъектларининг тажрибасизлиги ҳамда тадбиркорлик фаолиятига ўз шахсий ва оилавий муаммоларини аралаштириб юбориши, пайдо бўлган шахсий муаммоларини кредит маблағлари ҳисобига ёпиш, тадбиркорлик фаолиятидан келиб тушган маблағларни тўлиқ истемол қилиб юбориши каби ҳолатлар банк кредитлари бўйича асосий қарз ва фоизларни ўз вақтида қайтарилмаслик ҳолатларига олиб келди. Натижада кичик бизнес субъектлари фаолиятида қатор молиявий қийинчиликлар юзага келди. Ушбу муаммоларни бартараф этиш борасида банк ходимларининг асосий иш фаолиятлари кичик бизнес субъектларини банк олдидаги мажбуриятлари тўғрисида доимий огоҳлантириш ва муаммоли кредит битимлари юзасидан хўжалик ёки фуқаролик судларига қатнаб иш фаолиятлари фақатгина мазкур муаммоларни ҳал этишга қаратиб қўйилмоқда.

2011 йилда Марказий банкнинг банк бошқаруви ва назорати соҳасидаги фаолияти юқорида қайд этилган мақсадларни амалга оширишга ҳамда омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилди. Жорий йилда ҳам банк тизимидаги ислохотлар давом эттирилгани ҳолда Марказий банк томонидан бир қатор йўналишларда чора-тадбирлар кўриш давом эттирилади.

Бироқ, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш жараёнларида бир қатор муаммолар мавжуд. Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

- кичик бизнес субъектларини молиявий ресурсларга эҳтиёжини мунтазам ўрганиб бориш, талабдан келиб чиқиб кредит маблағлари билан таъминлаш чораларини кўриш, кредит олиш учун хужжатларни тайёрлашга кўмаклашиш бўйича мониторинглар ўтказиш;
  - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун мақсадли кредит маблағлари ажратиш;
  - кредит ва лизинг олиниши мумкин бўлган технологиялар тўғрисидаги маълумотларни тадбиркорларга етказиш, фаолият бошлаётган тадбиркорларга микрокредитлар ажратишга кўмаклашиш ва йўналиш бериш.
  - кредит ташкилотларида ликвидлик билан боғлиқ хатарларни (рисklar) бошқариш тизими ҳолатини баҳолаш ва бошқаришдаги ёндашувларни, кредит операциялари ва шартномаларни амалга ошириш чоғида кредит ташкилотлари томонидан қўлланиладиган хавф-хатарлар (рисklar) бошқарувини такомиллаштириш;
  - умумлаштирилган асосда банкларнинг молиявий ҳолатини баҳолашнинг назорати сифатини яхшилаш, уларнинг фаолиятида юзага келадиган муаммоларни дастлабки босқичларда аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш
  - тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилиши юзасидан уларнинг масъулиятини ошириш ҳамда назорат ишларини кучайтириш;
  - таваккалчиликни бошқаришда суғурта механизмларидан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш;
- Хулоса қилиб айтганда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришдаги чора-тадбирларни амалга ошириш молиявий ташкилотларнинг фаолиятини такомиллашувига кўп жиҳатдан боғлиқ.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

### 1. Меъёрий ҳужжатлар ва Президент асарлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: Ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган (Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги қонунига мувофиқ киритилган ўзгартиришлар билан) -Т.: Ўзбекистон, 2001. -39 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни. // Халқ сўзи, 1995. 21 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, // Халқ сўзи, 1996. 25 апрель.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Банк сирини тўғрисида»ги Қонуни, // Халқ сўзи, 2003. 30 август.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги Қонуни. // Халқ сўзи, 1999. 28 апрел.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислох қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. // Халқ сўзи, 2000. 21 март.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларининг капиталлаш даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. // Халқ сўзи, 2006. 20 декабрь.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори. // Ўзбекистон овози, 2003. 3 май. 55-сон.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли. -Т.: «Ўзбекистон», 1995. -76 б.
10. Каримов И.А. "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида" -Т.: «Ўзбекистон» 1997 й.
11. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
12. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
13. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
14. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.
15. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
16. Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
17. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
18. **Каримов И.А.** Самарқанд вилояти кенгашининг сессиясидаги нутқи. // Халқ сўзи. –2010. –18 дек. №243.

19. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққийетини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
20. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
21. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққийетини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2012.
22. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2012.

## 2. Илмий адабиётлар

23. Ангелиди М.С., Каримов Н.Г. Анализ инвестиционных проектов, Учебное пособ. -Т.: Ташкентский Финансовый институт, 2000.
24. Ансофф М. Стратегическое управление. –М.: Экономика. 1991.
25. Акселл Селл. Инвестиции и финансирование, планирование и оценка проектов. // Пер. с англ. А.В.Игнатов, М. 1996.
26. Банковское дело. Словарь: Пер. с англ. - М.: ИНФРА-М, 2001. - 412 с. - (Библиотека словарей ИНФРА-М).
27. Беренц В., Хавранек П.М. Руководство по оценке эффективности инвестиций: Пер. с англ. перераб. и дополн. Изд. - М.: АЗОТ «Интерэксперт», «ИНФРА-М», 1995. -528 с.: табл. граф.
28. Богатин Ю.В., Швандар В.А. Инвестиционный анализ. Учебное пособие для вузов - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000. - 286 с.
29. Бочарев В.В. Методы финансирования инвестиционной деятельности предприятий. -М.: Фианаси и статистика, 1998. -160 с.: ил.
30. Бирман Т., Шмидт С. Экономический анализ инвестиционных проектов. Пер. с англ. –М.: Банки и биржи, ЮНИТИ. 1996.
31. Вахобов А.В. Хусусий мулк - иқтисодийнинг ишончли пойдевори. // Халқ сўзи, 2003. 24 апрел, 87-сон.
32. Вахрин П.И. Организация и финансирование инвестиций. Практикум. -М.: ИВЦ «Маркетинг», Уч. пос. 1999.
33. Игошин Н.В. Инвестиции. Организация управления и финансирование». -М.: 2000.
34. Махмудов Э.Р. Основнўе тенденции и формы прямых зарубежных инвестиций развивающихся страны -Халқаро муносабатлар. №1. 2000.
35. Мескон М., Алберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента: Пер в англ. –М.: Дело, 2000.
36. Мирзаев Ф.И. Банклараро рақобат: моҳияти, шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. (монография) –Т.: Молия, 2008.
37. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: Дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 2001 -701 б.
38. Харп У., Г. Александр, Дж. Бэйли. Инвестиции. Пер. с англ. - М: ИНФРА. М. 1997. С. 979.
39. Язўк бизнеса: терминў. // Под ред. В.А.Чжена. -Т.: Изд. Компания. «Бизнес-каталог», 1995. -734 с.
40. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққийети ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услугий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодий. - 2010. – 340 бет.
41. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «2012 йил Ватанимиз тараққийетини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.

### **3. Статистик маълумотлар тўпламлари**

42. Наманган вилоятининг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари. // статистик тўпл. 2009 йил якуни.
43. Наманган вилоятининг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари. // статистик тўпл. 2010 йил якуни.
44. Наманган вилоятининг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари. // статистик тўпл. 2011 йил якуни.

### **4. Интернетдан олинган маълумотлар**

45. <http://www.speclit.spb.ru>
46. <http://www.dashkov.ru>
47. <http://www.menegment.ru>
48. <http://www.investision.ru>